

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

“БАНК ИШИ” ФАКУЛТЕТИ

«БАНК ИШИ ВА КОРПОРАТИВ МОЛИЯЛАР» КАФЕДРАСИ

Битирув малакавий иш
ҳимояга рухсат етилди
“Банк иши” факултети
Декани в.б. О.А.Ортиқов

«_____» _____ 2013 йил

Битирув малакавий иш
ҳимояга рухсат етилади
Кафедра мудири
И.ф.д., проф. Н.Ғ. Каримов

«_____» _____ 2013 йил

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

МАВЗУ: “Банкларда лизинг операциялари ва уларнинг ҳисоби”

Бажарди: “Банк иши” таълим йўналиши,
4-курс, БД-51 гуруҳи талабаси Фарходов Э.Ф.

Илмий раҳбар: “Банк иши ва корпоратив
молиялар” кафедраси катта ўқитувчиси к.ўқ.
Шахрамова К.Х.

Битирув малакавий иш дастлабки ҳимоядан ўтганлиги 2013 йил
____ майдаги ____ - сонли баённома билан расмийлаштирилган.

Т О Ш К Е Н Т – 2 0 1 3

Мундарижа

	Кириш.....	3
I –Боб	Тижорат банкларида депозит операцияларининг назарий-хуқуқий асослари	7
1.1	Тижорат банкларининг депозит операциялари ва уларнинг тавсифи.....	7
1.2.	Тижорат банкларининг депозит операцияларининг банк ресурслар базасидаги роли ва аҳамияти.....	10
II-Боб	Тижорат банкларининг депозит маблағларини шакллантириш ва унинг замонавий ҳолатини таҳлили.....	16
2.1.	Банкнинг депозит маблағлари шакллантириш ва уларни турлари.....	16
2.2.	Тижорат банклари депозитларини жойлаштириш усуллари.....	25
2.3.	Ўзбекистон Республикаси Акциядор-тижорат Қишлоққурилиш банкининг депозит операциялари таҳлили.....	29
III-Боб	Тижорат банкларига аҳолининг бўш маблағларини жалб қилишни такомиллаштириш.....	43
3.1.	Тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштиришдаги муаммолар.....	43
3.2.	Аҳолидан депозит маблағларини жалб қилишни такомиллаштириш йўллари.....	53
	Хулоса.ва таклифлар.....	54
	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	60

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Мамлакатимиз банкларининг барқарор ҳолати, банк тизимига бўлган ишончнинг ошиши ҳамда аҳоли реал даромадларининг ўсиб бораётганлиги аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилишнинг мустаҳкам асоси бўлиб хизмат қилмоқда. Банк тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади миллий кредит тизимининг юқори даражада ривожланишига эришиш, республика аҳолисининг турмуш даражаси ва фаровонлиги ўсишини таъминловчи жамғармалар жалб қилиш ва уларни бозор қонуниятлари асосида тақсимлаш самарадорлигини оширишдан иборатдир.

Ўтган йилда банк молия соҳасидаги ислохотларни чуқурлаштириш ва уларнинг кўламини кенгайтириш масалалари доимий эътиборимиз марказида бўлиб келди. Бундан ташқари бугунги кунда банк тизмини ислох қилиш ва унинг самарали ишлаш фаолиятини ташкил этиш кўп жихатдан жаҳондаги тобора авж олиб бораётган моливий иқтисодий инқироз сабоқларини кўриб чиқиш ҳамда уни мамлакат банк тизимига таъсир доирасини ўрганишни ҳам тақозо қилади. Чунки кўпгина жаҳон иқтисодчи олим ва экспертларининг тахлилича моливий инқирознинг энг асосий сабабларидан бири бу банк тизимида йўл қўйилган камчиликлар ҳисобланади. Шунга қарамай мамлакатимизда банк тизимида олиб борилган чуқур ислохотлар туфайли ижобий ўзгаришларга эришилмоқда.

Бу тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов куйидагиларни таъкидлаб ўтганлар: “Бугунги кунда капиталнинг етарлилик даражаси 24,0 фоиздан ошиб, бу эса қабул қилинган умумий халқаро стандартлардан 3 баробар ортиқдир. 2012-йил якунлари бўйича банк тизимининг ликвидлиги 65,0 фоиздан ортмоқда, бу еса талаб етиладиган минимал даражадан 2 баробар юқоридир.”¹ деган рейтинг даражасига эгадир.

¹ Каримов И.А. “Бош мақсадимиз кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 19 январь 2013 й., №13 (5687).

“2012-йилда иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредитлар ҳажми 2011-йилга нисбатан 1,3 баробар ошди. Ажратилган кредитларнинг 76 фоиздан зиёди уч йилдан ортиқ муддатга берилган узоқ муддатли кредитлар экани, айниқса, эътиборга молик.”² деб таъкидлади.

Ҳозирги кунда банк-молия тизимини ривожланишида аҳолининг бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва шу билан бирга банк ресурслар базасини шакиллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бир қаторда банкларга аҳолини ишончини ошириш орқали миқдорлар сонини оширишга эришиш бугунги кундаги энг долзарб масалаларидан биридир.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунга қадар банкларнинг пассив операциялари ва депозит сиёсати билан хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларимиз жуда кўп шуғулланганлар. Бу эса ўз навбатида пассив операцияларни мамлакат хусусиятидан келиб чиққан ҳолда янада кенгроқ ўрганишни талаб этмоқда. Ҳозирга қадар ёзилган ва бошқа илмий ишларда банкларнинг пассив ва депозит сиёсати фақат бир томонлама очиб берилган. Биз банк пассив операцияларини шакиллантиришда аҳолининг бўш турган пул маблағларини банкларга жалб қилиш натижасида банк ресурс базаси таъсирини ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқишга ҳаракат қилдик.

Битирув малакавий ишнинг мақсади ва вазифалари. Битирув малакавий ишининг мақсади аҳолини бўш турган пул маблағларини банкларга жалб қилиш ва унинг банк ресурслар базасидаги ролини оширишни назарий ва ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш ҳамда тижорат банкларининг депозит операцияларининг амалдаги ҳолатини таҳлил этиб, аҳолининг бўш маблағларини банкларга жалб этишни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва ҳулосаларни шакиллантиришдан иборат.

Ушбу мақсадга эришиш учун қуйдаги вазифаларни белгилайди: тижорат банкларининг депозит операциялари ва уларнинг тавсифи;

- тижорат банклари депозитларини жойлаштириш усуллари;

² Каримов И.А. “Бош мақсадимиз кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш”. 2012 йилнинг асосий яқунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси. // Халқ сўзи, 19 январь 2013 й., №13 (5687).

- аҳолининг бўш турган пул маблағларини жалб қилиш ва улардан самарали фойдаланиш ва барқарорлиги тахлили;

- тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштиришдаги муаммолар

Кўриб чиқилган масалалар асосида ресурслар барқарорлигига эришиш юзасидан хулоса ва таклифлар бериш.

Битирув малакавий ишнинг объекти. Тижорат банкларининг ресурслари тадқиқот объекти бўлиб ҳисобланади ва уларнинг Республикадаги тижорат банклари асосида олиниб, асосий ўрганиш объекти бўлиб АТБ “Қишлоққурилишбанки” ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг предмети. Тадқиқотнинг предмети бўлиб, банк ресурсларнинг иқтисодий табиати, моҳияти ва таркиби ҳамда уларнинг барқарорлигини таъминлаш муаммолари ҳисобланади.

Битирув малакавий ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ундаги фикр-мулоҳазалар, хулоса ва таклифлардан банкларнинг ривожланиш муаммолари, пассив операциялари ва улардаги мавжуд муаммоларни ҳал этиш ва такомиллаштиришга бағишланган илмий-тадқиқот ишларни амалга оширишда таълим муассасаларида кредит йуналиши бўйича таълим олаётган талабалар учун фойдали бўлиши мумкин.

Ишнинг таркибий тўзилиши. Битирув малакавий иши кириш, 3 та боб, хулоса ва таклифлар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

Ишнинг биринчи бобида тижорат банкларида депозит операцияларининг назарий-ҳуқуқий асослари ёритиб берилган

Иккинчи бобида эса тижорат банкларининг депозит маблағларини шакллантириш ва унинг замонавий ҳолатини жадвал, чизма ва диаграммалар асосида тахлили қилинган.

Битирув малакавий ишининг учунчи бобида тижорат банкларига аҳолининг бўш маблағларини жалб қилишни такомиллаштириш йўллари очиқ берилган.

Битирув малакавий ишининг хулоса қисмида аҳолининг бўш маблағларини тижорат банкларига жалб этиш ва уларнинг банк ресурс базасига таъсири бўйича хулосалар шакиллантирилган уларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар берилган.

I-БОБ. Тижорат банкларида депозит операцияларининг назарий-хуқуқий асослари

1.1. Тижорат банкларининг депозит операциялари ва уларнинг тавсифи.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар бир мамлакатнинг миллий иқтисодиёти ривожланишига банклар томонидан депозитларга жалб қилинган маблағлар миқдори сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Жисмоний ва юридик шахсларнинг бўш пул маблағларини депозитларга жалб этиш учун аввало, уларга манфаатли фоизлар тўланиши ва янги банк хизмати турларини жорий этиш муҳимдир. Ҳозирги кунда банкларда аҳоли бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш энг омилкор йўналишлардан бири бўлиб қолмоқда. Бу биринчидан, пул-товар муносабатларини мужассамлаштиришда, аҳоли ва товар етказувчилар манфаатларини уйғунлаштиришга қаратилган йўналиш эканлиги, иккинчидан эса, халқни ўз шахсий маблағини банкларда сақлашининг энг самарали ва хавфсиз усули эканлигидир.

Тижорат корхоналарининг бир тури сифатида банк муассасаларининг ўзига хос хусусиятлари шундан иборатки, уларнинг ресурслари асосан қарзга олинган маблағлар ҳисобидан ҳосил қилинади. Маблағларни жалб қилишда банкларнинг имкониятлари Республика Марказий Банки томонидан бошқарилади ва ҳозирги кунда банкларнинг хусусий капиталларининг ҳажми ҳамда уларнинг ташкилий-хуқуқий шаклларида келиб чиққан ҳолда банкларнинг имкониятлари аниқланади:

- аввалги ихтисослаштирилган давлат банклари базасида ташкил этилган тижорат банклари учун жалб қилинган маблағлар ҳажми банкларнинг хусусий капиталидан 25 мартадан ошмаслиги лозим;
- ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти кўринишида барпо этилган банклар учун – 20 баробардан ортмаслиги лозим;

- очик турдаги акционер жамияти кўринишда барпо этилган банклар учун 10 баробардан ортмаслиги лозим.

Банклар томонидан жалб этилаётган маблағлар ўз таркибига кўра турлича бўлади. Мижозлар билан ишлаш жараёнида жалб этилган маблағлар ва бошқа кредит муассасаларидан қарзга олинган маблағлар асосий турдаги жалб этилаётган маблағлардир.

Банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган операциялар банкларнинг пассив операциялари дейилади. Банк ресурслари ўзига тегишли ва жалб этилган маблағлардан вужудга келади. Ўзига тегишли маблағлар одатда банклар тасарруфидаги барча ресурсларнинг фақат унга катта бўлмаган қисмларини ташкил этади. Уларнинг асосий қисми депозитлар ёки банкларнинг мижозларига қарашли омонатлардан иборат.

Пассив операциялар ёрдамида тижорат банкларининг пассив ва актив-пассив счётидаги пул маблағларининг салмоғи ошиб боради. Банкларнинг пассив операциялари уларнинг фаолиятини ташкил қилишда катта роль ўйнайди. Тижорат банклари пассив операцияларининг асосан тўртта шакли мавжуд.

1. Тижорат банклари қимматли қоғозларини муомалага чиқариш йўли билан ресурслар йиғиш;
2. Банк фойдаси ҳисобидан ҳар хил фондлар ташкил қилиш ёки фондлар суммасининг ошириш;
3. Бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш;
4. Депозит операцияларини амалга ошириш.

Депозитлар банкларнинг ссуда капиталини ташкил этиб, банк уни истаган ҳўжаликка жойлаштириши мумкин. Депозит - лотинча (depositum) сўз бўлиб, сақлаш учун топширилган буюм маъносини билдиради. Иқтисодиётда эса мижознинг ўз маблағини вақтинча фойдаланиш учун банкка топшириши натижасида вужудга келадиган иқтисодий муносабат тушунилади.

Аҳолининг бўш турган маблағларини депозитларига жалб қилиш банкларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланиб, депозит амалиётисиз тижорат банклари ўзларининг бошқа асосий вазифаларини бажаришлари мумкин эмас. Банкларнинг бош мақсади бўлган фойда олишга эришиш истиқболларини белгиловчи, яъни даромад келтирувчи актив амалларни бажариш билан боғлиқ фаолиятларида жалб қилинган ва жамғарилган маблағлар ёки депозитлар муҳим ўрин тутди.

Депозитларнинг иқтисодий мазмуни ва уларнинг мамлакат иқтисодиётидаги тутган ўрни нималардан иборат ? Ушбу саволга жавоб бериш учун аввало депозит амалларини банк ва миқозлар ўртасидаги иқтисодий муносабатлар сифатида қараш талаб этилади. Фикримизча, назарий жиҳатдан бу иқтисодий манфаатдорликдир ёки ҳар иккала томон ҳам маълум иқтисодий наф олишни кўзлаган ҳолда иқтисодий муносабатга киришади. Агар, аҳоли бўш пул маблағларини банкларда беҳавотир сақлаш кафолатлари мавжудлиги ҳамда топширилган омонатлар бўйича фоизли даромад олишдан манфаатдор бўлса, банклар эса ушбу жалб қилинган маблағлар ҳисобига миқозларга кредитлар бериб ёки лизинг, факторинг каби жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган хизматларни кўрсатиш орқали фоизли даромадлар олишади. Шу йўл билан бўш пул маблағларини банк орқали йиғиш ва иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш, натижада пул айланиш тезлигини ўстириши эвазига миллий валюта қадрсизланишининг жиловланишига эришиш мумкин. Айнан, мана шу омил ҳам депозит амалларининг ривожланишида асосий ўрин тутди.

Депозит-бу миқознинг банкларга вақтинча ишлатиш учун ўз маблағларини бериши бўйича иқтисодий муносабатидир. Омонотчи чек ёзиб бериб, маълум миқдордаги пул маблағини муомалага қўйиши мумкин. Шу билан бирга бу вақтда банк пуллари фоиз келтиради. Улар омонатчига 2 хил вазифани бажаради: биринчи томондан пул вазифасини, иккинчи томондан фоиз келтирувчи капитал сифатида. Нақд пулга нисбатан депозитнинг устунлиги унинг фоиз келтиришидир. Депозит фақат омонатчига эмас, балки

банкларга ҳам фойдалидир. Улар ёрдамида банклар ссуда капиталини яратиш имкониятига эга бўлиб, хўжаликнинг хоҳлаган соҳасига қулай шартлар асосида жойлаштириш имконига эга бўладилар. Депозит фоизлари билан пул фоизлари ўртасидаги фарқ асосида банклар мукофотга эга бўладилар.

1.2. Тижорат банкларининг депозит операцияларининг банк ресурслар базасидаги роли ва аҳамияти.

Бозор иқтисодиёти шароитида банк тизими жадал суръатлар билан ривожланмоқда. Бугунги кунда, жамиятни тижорат банкларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Банклар пул ўтказиш, кредит бериш, инвестицияларни молиялаштириш каби бир қанча вазифаларни амалга ошириш билан ҳам фаол шуғулланиб келмоқда. 2002 йил апрел ойида “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини химоялаш кафолатлари тўғрисида” ги қонун қабул қилиниши билан республикамізда аҳоли омонатларини кафолатлаш тизими ташкил этилишига асос солинди.

Бугунги жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида ушбу қонуннинг амал қилиши мамлакатимиз банк тизимида эришилган энг катта ютуқларидан биридир. Бу мамлакат аҳолисини банк тизимига бўлган ишончини янада мустахкамлашга асос бўладиган таянч нуқтаси десак хато бўлмайди. Тижорат банкларининг инвестицион фаоллиятини кучайтириш ва кичик бизнес субъектларини кредитлаш ҳажмларини кенгайтириш мақсадида банкларнинг ресурс базасини ошириш борасида изчил ишлар давом эттирилди. Натижада банкларнинг жами депозитлари миқдори 2011 йилга нисбатан 31,5 фоиз ўсиб, бугунги кунда уларнинг миқдори 22,8 трлн. сўмдан ошди.³


Бозор иқтисодиёти ва жаҳон хўжалиги ривожланиши билан банк тизими ҳам ривожлана борди. Хозирги шароитда банклар тобора кўпроқ

³www.cbu.uz

фақат соф банк операцияларини бажарадиган эмас, шу билан бирга молиявий хизматлар кўрсатадиган молиявий муассасаларга айланмокда, бу банк балансида акс эттирилмайди, лекин жуда катта даромад келтиради.

Марказий банк банклар банки сифатида тижорат банкларига бош кредит берувчи хисобланиб уларнинг фаолиятини бошқаради.

1-Чизма⁴



Барча мамлакатларнинг Марказий банклари қоғоз пул эмиссиясини амалга оширувчи ягона банк хисобланади. Марказий банк фойда олиш учун интилмайдиган. У миллий валюта курсини тартибга солиш учун нормал пул-кредит сиёсати олиб боришга маъсулиятлидир.

Марказий банк курсининг кескин ўзгариши олдини олиши учун хорижий валютани биржадан сотиб олади ёки сотади. Тижорат банклари иккинчи босқичдадир. Тижорат банклари банк тизиминининг муҳим бўғини бўлиб, кредит ресурсларнинг асосий қисми шу банкларда йиғилади ва бу банклар ҳуқуқий, жисмоний шахсларга ўз хизматларини кўрсатади.

Охирги йилларда тижорат банкларининг сони, улар бажарадиган операциялар, уларнинг устав фонди ва қўйилмалар салмоғи ошиб бормокда. Хозирги кунда Ўзбекистонда 29 та тижорат банклари фаолият кўрсатмокда.

⁴ www.cbu.uz

Салмоқли устав фонди, кредит ресурслар ва мижозларга эга бўлган катта банклар - Ўзсаноатқурилиш банки, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, Асака банк ва бошқалар кенг фаолият олиб бормоқда. 2010 йил 6 апрелда Ўзбекистон республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора- тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1317- сонли қарорига асосан бугунги кунда устав капитали тижорат банки учун 10.0 млн. евро, қўшма банклар учун 10.0 млн. евро, хусусий банклар учун 5.0 млн. евро сўм эквивалентига эга бўлиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни молиялашнинг асосий кредит марказларидан бири бўлган "Микрокредитбанк"нинг низом жамғармасини кўпайтиришга оид фармони қабул қилингани ҳам шу йўлдаги амалий кадам бўлди. Натижада мамлакатимиз банкларининг жами капитали, қўшимча ресурсларни жалб этиш хисобидан, 2010 йил билан таққослаганда 40 фоизга кўпайди. Бу кўрсаткич 2012 йилда икки баробар ошди.

Айни пайтда банкларимизнинг умумий активлари ҳажми аҳоли ва юридик шахсларнинг ҳисоб рақамларидаги маблағлардан икки баробардан ҳам кўпдир. Бу эса ушбу маблағларни ишончли химоя қилиш ҳамда уларга ўз вақтида ва тўла ҳажмда хизмат кўрсатишни кафолатлайди. Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармониға биноан фуқароларнинг банклар депозитларидаги омонатлари, уларнинг миқдоридан қатъи назар, давлат томонидан тўла кафолатланади.

Бугунги кунда банк тизими капиталининг етарлилик даражаси 24,3 фоизни ташкил этади ва у халқаро банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан қабул қилинган талаб (8 фоиз)га нисбатан 3 баробар юқори бўлиб, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, банклар капитали 6,2 трлн. сўмдан ошиб кетди. Буларнинг барчаси ўз навбатида Давлат банкларни, акционер тижорат банкларига айлантириш учун асосий замин яратилаётганлигидан

дарак бермоқда. Барча турдаги тижорат банклари қуйдаги операцияларни амалга оширадилар:

1. Аҳолидан омонатларни қабул қилади.
2. Қабул қилинган омонатларни кредит қилиб беради
3. Мижозларнинг ҳисоб варакаларини олиб боради.
4. Мижозларга касса хизмати кўрсатади.
5. Мижознинг топшириғига биноан нақд пулсиз ҳисоб-китобларни бажаради.
6. Қисқа ёки узок муддатли кредитлар беради.
7. Шартнома ёки пуллик асосида буюртмачининг топшириғига биноан капитал қўйилмаларни маблағ билан таъминлайди.
8. Бўш пул маблағлари-депозитларини муомилага жалб қилади.
9. Факторинг операцияларини.
10. Лизинг операцияларини.
11. Тижорат банки давлатнинг ҳамда бошқаларнинг қимматбаҳо қоғозларини харид қилади ва сотади.
12. Хорижий валюта ва қимматбаҳо металлларни харид қилади ва сотади.
13. Ўз мижозлари учун кафолат ва мажбуриятлар беради.
14. Бюджетнинг касса ижросини таъминлайди.
15. Банк операциялари буйича маслахатлар беради.

Биз битирув малакавий ишимизда пассив операцияларни тури бўлмиш депозит операцияларини амалга оширишда аҳолининг бўш турган пул маблағларни банк ресурс базасига жалб қилишнинг аҳамиятини кўриб чиқамиз.

АТ Қишлоқурилиш банки бўлимлари тармоғи барпо этилиши камида учта асосий вазифани кўзлайди:

- * Умуман мамлакат иқтисодиёти манфаатлари:
- * Банк ўз инфраструктурасини ривожлантириш:
- * Банкнинг энг катта мижозлари манфаатларини назарда тутиш.

Бугунги кунда тижорат банклари етарли даражада техник жихозланганлиги ҳамда керакли ахборот базаларига ва малакали кадрларга эгалиги банклари ўз навбатида қимматли қоғозлар бозорининг асосий иштирокчиларидан бири қилиб қўймоқда. Қимматли қоғозлар бозорида банклар бир вақтнинг ўзида ҳам инвестор ҳам эмитент сифатида қатнашмоқда. Банкларнинг бошқа хўжалик субъектларига нисбатан стабил молиявий ҳолатга эгалиги қимматли қоғозлар бозорида операцияларда қатнашишга имкон бермоқда. Республикада тижорат банкларнинг қимматли қоғозлар бозорида актив иштирок этишини сабабларидан яна бири банкларнинг низом капиталини ошириш соҳасида ўз акцияларини сотишга бўлган интилишдир.

Бугунги кунга келиб тижорат банклари қимматли қоғозлар бозорида акциялардан ташқари депозит ва жамғарма сертификатлар билан ишлашни ҳам йўлга қўймоқдалар. Бундан ташқари банклар ўз мижозларига молиявий брокер сифатида ҳам хизмат кўрсатмоқда. Банкларнинг бундай функцияларни бажаришлари корхона ташкилотларнинг қимматли қоғозлар бозори операцияларида қатнашишлари учун қулай шароит яратмоқда. Бугунги кунда, Республика давлат мулкани хусусийлаштириш билан боғлиқ жараёнлар кенг ўрин олганлиги сабабли, корхоналарга тегишли, қимматли қоғозлар бозорига нисбатан, давлат қимматли қоғозлар бозори актив ҳаракат қилмоқда. Бу бозорда асосий қатнашчилар сифатида тижорат банклари майдонга чиқмоқда. Бу бозорда тижорат банклари ўзларининг брокерлик функцияларини амалга ошириш билан бир қаторда мавжуд ресурсларини ҳеч қандай тавакалчиликка бормаган ҳолда қисқа муддатларга жойлаштириш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Республика иқтисодиётига кириб келаётган “Лизинг” жараёнлари бугунги кунда ишлаб чиқаришни техника ва технология таъминлаш ҳамда қайта жихозлашда муҳимлигини кўрсатмоқда. Агар биз лизинг хизматларига тўланадиган фоиз билан банк кредити буйича туланадиган фоиз ўртасидаги боғлиқликка эътибор берадиган бўлсак, у ҳолда лизинг хизматларини

бугунги кунда тижорат банклари томонидан амалга оширилишини йўлга қўйиш қулай ҳамда муҳимдир. Чунки тижорат банклари лизинг хизматлари учун бошқа лизинг ташкилотига кредит беришидан кўра банк кредити фоизи даражасида миждозларга хизмат кўрсатиши ва шу билан лизинг хизматлари баҳосини камайтириш мумкин. Бундан ташқари керакли маблағни жалб қила олиш имкониятига эга ва шу билан бир қаторда техник жиҳатдан етарли даражада жиҳозланган.

Тижорат банклари томонидан олиб борилаётган банк фаолиятига бугунги кунда «Траст» хизматлари ҳам кириб келмоқда. Траст хизматлари республика банклари учун янги ҳисоблансада уни ўзлаштириш соҳасида кўплаб ишлар олиб бориламоқда. Янги иқтисодий шароит ўз навбатида тижорат банкларининг ривожланишини улар кўрсатаётган хизматларга ва бу хизматларнинг қай даражада ташкил қилинганлига боғлиқдир. Чунки ишлаб чиқаришдаги каби банк соҳасида ҳам рақобат эртами-кечми ўз ишини бажаради. Ҳозирги кунга келиб мамлакатимизда фаолият кўрсатиб келаётган 29 тижорат банкларимиз ўртасида миждозларни жалб қилиш бўйича соф рақобат кетмоқда. Тижорат банклари аҳолини бўш турган пул маблағларни жалб қилиш бўйича турли операциялар ва хизматларни амалга ошириш билан бир қаторда банк маҳсулоти бўлмиш банк пластик карточкаларини жорий қилиниши, SMS-Banking, Internet-banking замонавий ва тезкор тизимлар орқали миждозларни эътиборига сазовор бўлмоқдалар. Аҳолини банкларга бўлган ишончини оширишда банкнинг рейтинг агентликларни барқарорлик даражасига эга бўлгани уларнинг шу банк бўлган ишончини оширади шу билан бирга депозит қўйилмаларини салмоғини оширади бу эса банкларнинг ресурс базасига ижобий таъсир кўрсатади. Бу орқали пул массасининг айланишини банклар томонидан назорат қилиш имконига эга бўламиз, мамлакат иқтисодиётида эса инфляцияни олдини олишга ёрдам беради.

II- боб. Тижорат банкларининг депозит маблағларини шакллантириш ва унинг замонавий ҳолатини тахлили

2.1 Банкнинг депозит маблағларини шакллантириш ва уларни турлари

Банклар томонидан жалб этилаётган маблағлар ўз таркибига кўра турлича бўлади. Мижозлар билан ишлаш жараёнида жалб этилган маблағлар ва бошқа кредит муассасаларидан қарзга олинган маблағлар асосий турдаги жалб этилаётган маблағлардир.

Депозит амаллари банкларнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланиб, депозит амалиётисиз тижорат банклари ўзларининг бошқа асосий вазифаларини бажаришлари мумкин эмас. Банкларнинг бош мақсади бўлган фойда олишга эришиш истиқболларини белгиловчи, яъни даромад келтирувчи актив амалларни бажариш билан боғлиқ фаолиятларида жалб қилинган ва жамғарилган маблағлар ёки депозитлар муҳим ўрин тутди.

Агар, аҳоли бўш пул маблағларини банкларда беҳавотир сақлаш кафолатлари мавжудлиги ҳамда топширилган омонатлар бўйича фоизли даромад олишдан манфаатдор бўлса, банклар эса ушбу жалб қилинган маблағлар ҳисобига мижозларга кредитлар бериб ёки лизинг, факторинг, траст, овердрафт ва овернайт каби жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган хизматларни кўрсатиш орқали фоизли даромадлар олишади. Шу йўл билан бўш пул маблағларини банк орқали йиғиш ва иқтисодиётнинг реал секторига йўналтириш, натижада пул айланиш тезлигини ўстириши эвазига миллий валюта қадрсизланишининг жиловланишига эришиш мумкин. Айнан, мана шу омил ҳам депозит амалларининг ривожланишида асосий ўрин тутди.

Депозитларнинг туркумланиши⁵

Ўзбекистон Республикасидаги депозитларнинг турлари:

- 1) талаб қилиб олингунга депозитлар;
- 2) жамғарма депозитлари;
- 3) муддатли депозитлар;
- 4) жамғарма (депозитлар) сертификати;
- 5) бошқа депозитлар.

Талаб қилиб олингунча депозитлар юридик ва жисмоний шахсларнинг кундалик мақсадлар учун хоҳлаган вақтда талаб қилиб олингунча хисоб варақлардаги маблағларидир.

⁵ Чизма муаллиф томонидан тузилди.

Талаб қилиб олингунча депозитлар мижознинг талабига кўра шартноманинг олдиндан келишилган шартлари асосида ушбу мижознинг бошқа турдаги депозитларга ўтказилиши мумкин.

Талаб қилиб олингунча қадар бўлган депозитларнинг ижобий томонлари:

1. Мижозлар учун бундай депозитлар юқори ликвидли маблағлар ҳисобланади.

2. Бундай депозитларга маблағлар мижозларнинг хўжалик ва бошқа операцияларини ўтказиш натижасидан келадиган барча пул маблағлари қўйилади ва олинади.

Талаб қилиб олингунча депозитларнинг салбий томонлари ва камчиликлари қуйидагилардан иборат:

Бундай депозитларга фоизлар деярли тўланмайди ёки жуда паст фоиз ставкалари тўланади.

Ушбу депозитларнинг ўзига хос хусусиятлари:

- пул маблағларини қўйиб ва олиш, хоҳлаган вақтда амалга оширилади, ҳамда чегараланмайди.

- ҳисобварақ эгаси банкка ҳисобварақдаги фойдаланганлиги учун дебет муомаласидан мукофат пули тўлайди.

- банк пул маблағларидан фойдалангани ва сақлагани учун паст фоиз тўлайди ёки умуман тўламайди.

Банклар томонидан жалб қилинган муддатли депозитлар юридик ва жисмоний шахсларнинг шартномада қатъий келишилган муддат ва унда кўрсатилган фоизларни тўлашга доир маблағларидир. Муддатли депозит ҳисобварағи очилганда жисмоний шахсларга омонат дафтарчалари берилади.

Банклар депозитларга белгиланган муддат етиб келгунга қадар муддатли депозит ҳисоб-варақларидан маблағларини олишга руҳсат этадилар. Бундай ҳолларда депозитор муддатли депозит ҳисобварағидан муддатидан олдин маблағ олиниши мумкинлигини банкка олдиндан билдириши лозим.

**Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг кредитлари,
депозитлари ва умумий капитали⁶(трлн. сўм)**

Кўрсаткичлар	2007	2008	2009	2010	2011	2012	2013
Кредитлар	4777,6	6374,4	8558,2	11539,3	13258,2	16123,3	19891,5
Депозитлар	3829,2	5771,6	8703,1	13236,3	14561,5	17567,4	22671,8
Шу жумладан:							
юрдик шахслар депозитлари	2834,6	4127,6	5953,2	8793,4	9176,3	9978,1	112330,1
жисмоний шахслар депозитлари	994,6	1644,0	2749,9	4442,9	5385,2	7589,3	10341,7
Умумий капитал	1502,6	2104,3	3010,4	4100,1	4605,2	5000,1	6000,2

Жадвал маълумотларидан кўринадики, 2007-2013 йил 1 январ ҳолати мобайнида тижорат банклари кредитлари ҳажми 2,8 марта, депозитлари ҳажми 5,9 марта, умумий капитали 4,2 марта ошган.

Маблағлар муддатидан олдин олинганда омонат бўйича фоизларни, шартномада бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, банк талаб қилиб олигунча депозитлар бўйича тўлайдиган фоизлар миқдорида тўлайди.

Ўзбекистон Республикаси банк тизимида муддатли депозитлар қуйидаги муддатларга бўлинади:

1. муддати 30 кунгача бўлган депозитлар;
2. муддати 90 кунгача бўлган депозитлар;
3. муддати 180 кунгача бўлган депозитлар;
4. муддати 365 кунгача бўлган депозитлар;
5. муддати 365 кундан ортиқ бўлган депозитлар.

⁶ Тижорат банклари йиллик ҳисоботлари 2013 йил.

Даврий бадаллар асосида шаклланадиган жамғарма депозитлари муайян мақсадни амалга ошириш учун депозит хисобварақда маълум миқдорда пул суммасини жамғариш мақсадида юридик ва жисмоний шахслар номига олинади.

Жамғарма депозитларининг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- омонат дафтарчаларидаги депозитлар (тақдим этувчининг номига берилган ёки эгаси кўрсатилган);
- хисобварақ ҳолатидан кўчирма қилинадиган депозитлар;

Жамғарма депозит хисобварағи очилганда банк жисмоний шахсга банкнинг барча операциялари акс эттириладиган омонат дафтарчасини беради. Хисобварақ ёпилганда омонат дафтарчаси банкка қайтариб берилади.

Юридик шахслар жамғарма депозит хисобварағини шартнома асосида белгиланган тартибда олади. Хисобварағидаги ҳолати кўчирма қилинадиган депозитлар омонат дафтарчалари депозитларидан фарқли равишда шахсий хисобварақларда юритилади. Улардан кўчирмалар шартномадаги келишилган муддатларда хисобварақ эгасига манзилга жўнатиб турилади. Бунинг натижасида депозиторлар банкка қатнашдан озод бўладилар.

Муддатли ва жамғарма депозитлар. Бу хисоб–варақларидаги пул маблағлари ўз эгаларига фоизли даромад келтиради, бироқ учинчи шахс билан хисоб-китоб қилишга белгиланмаган. Жамғарма депозитларининг асосий хусусиятлари қатъий белгиланган муддатга эга эмас ва ўз эгасидан маблағларни олдиндан олиш учун хабар беришларини талаб қилмайди. Муддатли жамғарма аниқ белгиланган муддатга эга ва унга (ўз эгасига) қатъий белгиланган фоиз асосида даромад келтиради. Шу билан бирга олдиндан пул маблағларини олиш учун маълум миқдорда чегараланган.

Умуман олганда муддатли ва жамғарма депозитларининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- бу хисоб варақлари хисоб-китоблар учун мўлжалланмаган ва уларга чеклар ёзиб берилмайди;
- бундай хисоб варақларидаги маблағлар жуда секин айланади;

- расмий равишда пул маблағларини ҳисоб-варағидан олишдан 7 кун, баъзи ҳолларда эса 30 кун олдин банкка ҳисоб-варақ эгаси хабар бериши керак;

- бундай ҳисобварағига фоизлар тўланади. Баъзи ҳолларда тўлайдиган фоизларнинг энг юқори чегараси Марказий банк томонидан тартибга солиш мумкин;

- бундай жамғармалар бўйича одатда жуда паст мажбурий захира нормалари ўрнатилади.

Муддатли ва жамғарма депозитларининг асосий турлари (кўп тарқалган турлари)

Китобча ёрдамида очиладиган жамғарма депозитлари — жисмоний (шахсий) депозитлар;

- қатъий белгиланган муддатсиз;
- маблағни очиш олдиндан хабар қилинмайди;
- юқори чегараси чегараланган;
- фоиз ставкаси паст;
- банклар учун бундай жамғармалар кўп меҳнат талаб этади.

Бундай жамғармаларнинг бошқа турлари:

1. АТС — ҳисоб варағидан пул маблағини жорий рақамга автоматик тарзда ўтказиш жамғармаси. Масалан бундай операциялар—овердрафт операциялари билан боғлиқ бўлса.

2. Мижоз томонидан олдиндан турли тўловни амалга ошириш учун хабар бериш мумкин бўлган жамғармалар. Масалан: коммунал хизматлар, истеъмол кредити тўловлари, суғурта тўловларини амалга ошириш учун хабарлари бериш ҳуқуқи.

3. Пул бозорининг депозит ҳисобварақлари-инвестицион фоизлар томонидан қисқа муддатли даромадли қимматли қоғозларни сотиб олиш натижасида шаклландиган депозит турлари.

Бундай депозитлар жамғарма депозитларига тенглаштирилади, фақат уларга захира талаблари аниқланиши шарт. Уларнинг хусусиятлари:

- бундай депозитлар фоиз ставкалари ҳар доим ўзгариб туради;
- маблағни олиш учун олдиндан хабар бериш шарт эмас;
- бундай жамғармалар учун банклар томонидан минимал қолдиқ қолиши белгиланган;
- жамғармалар бўйича маълум миқдорда пул ўтказмаларини амалга ошириш мумкин.

Жамғарма сертификатлари – аниқ муддатда қоплаш талаби ва қатъий фоиз ставкасига эга бўлган сертификатлар. Жамғарма (депозит) сертификати банкка қўйилган омонат суммасини ва омонатчининг (сертификат эгасининг) сертификатини берган банкдан белгиланган муддат тугаганидан сўнг омонат суммасини ва фоизини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи қимматли қоғоздир.


Жамғарма сертификати муддатидан олдин тўлаш учун тақдим этилган ҳолларда банк ушбу сертификат бўйича талаб қилиб олингунча депозитлар учун тўланадиган омонат суммасини ва фоизини тўлайди.

Омонат турлари ва шартларини кенгайтириш, ҳамда банкларда маблағ жамғаришнинг жозибадорлигини ошириш, шунингдек, манфаатли фоиз ставкаларини эълон қилиш ҳисобига аҳолининг тижорат банкларидаги омонатлари 2013 йил 1 январь ҳолатига 59,3 фоизга ошиб, 22671,8 млрд. сўмни ташкил этади.

Хусусан, аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишда тижорат банкларига солиқ имтиёзларининг берилиши, банклардаги омонатларнинг қонун асосида кафолатланганлиги ва сир тутилиши натижасида аҳолининг бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилиш охирги уч йилда сезиларли даражада ўсди.

Шунингдек, аҳолининг бўш пул маблағларини банк акциялари ва қимматли қоғозларга жалб қилиш ишлари давом эттирилди ва унинг миқдори 22 млрд. сўмдан ортди.

**Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган тижорат
банкларининг депозитлари таркибидаги манбаларнинг улуши ва
динамикаси (фоизда)⁷**



Нақд пул олишдаги чекловларнинг бекор қилиниши ва бу борадаги талабларга банклар томонидан қатъий риоя этилиши, нақд пул тушумининг ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши устидан назоратнинг кучайтирилиши банк-кредит тизимини либераллаштиришда муҳим қадам бўлди.

2-жадвал

**Фаолият кўрсатаётган банклар капиталининг етарлилик
даражаси⁸**

Базел	Ўзбекистон	Амалда
8 %	10 %	24,3%

Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш бўйича 2010 йил 6 апрелда Ўзбекистон республикаси Президентининг “Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1317-сонли

⁷ Тижорат банклари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

⁸ Банк ахборотномаси 2013 йил

қарорига асосан бугунги кунда тижорат банкларининг устав капиталига қўйиладиган талабалар қуйидагича.

Қуйидаги жадвалда 01.01.2011 йилдан бошлаб тижорат банкларининг устав капиталига қўйиладиган талаблар келтирилган. Унга биноан тижорат банклари учун бугунги кунда устав капиталини энг кам миқдори 5.0 млн. евро эквивалентида бўлса, 2011 йил 1 январдан 10.0 млн. евро, қўшма банклар учун 5.0 млн. евро бўлса, 2011 йилдан 10.0 млн. евро эквиваленти қўйилди.

Шу билан бирга, ссуда операцияларини амалга ошириш харажатларини баҳолашда хорижий банклар тажрибасидан максимал даражада фойдаланиш тақозо этилади. Шундай қилиб, нархларнинг ўртача даражасини ўзлаштиришга банкларнинг кредит ресурслари таркиби бевосита боғлиқ бўлади.

Кредит ресурслари таркибидаги ўзгаришлар банкларнинг ликвидлигига ва жалб қилинган маблағларни қийматини ўзгаришига олиб келади ва ўз вақтида банкнинг даромадлилик доирасини қувватлаш учун активларни даромадлилигини мослаштиришни талаб қилади. Тижорат банклари жалб қилинган маблағларнинг самарадорлигини ошириш учун актив операцияларни амалга оширишда оқилона сиёсат юритишлари зарур бўлади. Яъни, банк активларни жойлаштиришда молия бозоридаги талаб ва таклифни инобатга олган ҳолда унинг риск даражасини камайтириш керак. Риск даражаси юқори бўлган соҳаларга кредит ресурсларини йўналтирилиши улардан кутилаётган фойда даражасига, шу билан бирга ушбу маблағларнинг қайтишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат, банк активлари сифатини пасайишига ва банкнинг иқтисодий ҳолатига путур етаказди.

Тижорат банклари фаолиятида улар ресурс базалари ўзгариш қонуниятлари аниқланиши ва бўш пул маблағларини актив операцияларга инвестициялаш мақсадида тахминлаштириш, аввало, мавжуд натижани кутилиши мақбул бўлган қонуният билан таққослашни, мақсаддан оғиш ҳолатларининг олдини олиш чора - тадбирларни белгилашни талаб этади.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида тижорат банклари пул оқимлари ҳаракатининг бозор механизми самарали фаолиятини таъминлашда молиявий ресурслардан янада оқилона фойдаланишни рағбатлантиришда, иқтисодиётнинг реал сектори бўйича маблағларнинг юқори қайтим билан ишлашини таъминлашда фаол иштирок этишлари муҳим зарурият сифатида қўйилмоқда. Иқтисодий базисдаги ушбу ўзгаришлар тижорат банклари фаолияти самарадорлигини таҳлил қилишга, эски ёндошувларни қайта қўриб чиқишни талаб этади.

2.2. Тижорат банклари депозитларини жойлаштириш усуллари

Депозит сиёсатни олиб борилиши асосан жалб қилинган маблағларни бошқариш, ушбу жараёнда жалб қилинган маблағларнинг ўз маблағларига нисбати, буларнинг активларга таъсири ва охир оқибат тижорат банкларнинг даромадлигини ошириш билан боғлиқдир.

Шунинг учун, энди биз жалб қилинган маблағларнинг банк даромадини шакллантиришдаги ўрнини, яъни уларни қийматини ҳисоблаш механизмини таҳлил қиламиз. Ресурслар қийматини ҳисоблаш ссудалар бўйича спредни, яъни банк даромадлари билан уларнинг ресурслари қиймати ўртасидаги фарқни ҳимоялашга ёрдам беради. Жаҳон амалиётида қўлланиб келаётган банклар ресурсларининг қийматини ўлчаш услубиётининг таҳлили банк ресурсларини баҳолашга икки хил ёндошув мавжудлигини кўрсатади.

Биринчи ёндошувда банк ссуда баҳосини белгилайди, бунда базис ставкаси сифатида фақат қарз ёки жалб қилинган ресурслардан фойдаланилади. Иккинчи ёндошувда активлар нархини ўрнатиш учун мезон бўлиб умумий ресурсларнинг тортилган суммаси ҳисобланади, яъни ҳам жалб қилинган, ҳам ўз маблағлари ҳисобланади, чунки «барча активлар бирлашган ресурслар ҳисобидан молиялаштирилади», ундай ҳолларда мавжуд ресурсларни аниқ манбалари уларни ишлатиш билан тўғридан — тўғри боғлиқ бўлмайди.

Иккала ёндашув ҳам ресурсларнинг жорий қиймати эмас, балки чегаравий қиймати доирасидан чиқади. Чегаравий қиймат банклар томонидан қўшимча жалб қилинган капиталнинг хар бирлиги учун инвесторларга тўланадиган баҳо асосида ҳисобланади.

Тижорат банклари учун жаҳон амалиётида қўлланилиб келаётган банк ресурслари қийматининг ўзгаришидан фойдаланиш ҳозирги кунда қийин ёки, буни қўллаш мумкин эмас.

Операцион - қийматни таҳлил усулида таҳлиллаштириш, яъни қўшимча харажатларни ва иш вақтларини алоҳида операциялар ўртасида тақсимлаш бизнинг банк амалиётимизда ҳали умуман оммалашмаган, аммо бусиз жалб қилинган маблағларни ҳам, умумий фондларнинг чегаравий қийматини ҳисоблаш мумкин эмас.

Шу билан бирга, ссуда операцияларини амалга ошириш харажатларини баҳолашда хорижий банклар тажрибасидан максимал даражада фойдаланиш тақозо этилади. Тижорат банклари муайян активларининг даромадлилигини аниқлашда барча жалб қилинган маблағлар жорий баҳосига таянилади. Хар бир алоҳида олинган қарз маблағлари манбалари маълум қийматга эга бўлади, жумладан фоизларини тўлаш бўйича қилинган харажатларда ўз аксини топади. Мадомики, қарз қиймати аниқланаётган бўлса барча турли хил фоиз даражасини ҳисоблашни амалга ошириш лозим, яъни банк ўз пасивларини тузилишига қараб барча шаклдаги қарзлар учун тўловни амалга оширади.

Шундай қилиб, нархларнинг ўртача даражасини ўзлаштиришга банкларнинг кредит ресурслари таркиби бевосита боғлиқ бўлади. Кредит ресурслари таркибидаги ўзгаришлар банкларнинг ликвидлигига ва жалб қилинган маблағларни қийматини ўзгаришига олиб келади ва ўз вақтида банкнинг даромадлилик доирасини қувватлаш учун активларни даромадлилигини мослаштиришни талаб қилади. Тижорат банклари жалб қилинган маблағларнинг самарадорлигини ошириш учун актив операцияларни амалга оширишда оқилона сиёсат юритишлари зарур бўлади.

Яъни, банк активларни жойлаштиришда молия бозоридаги талаб ва таклифни инобатга олган холда унинг риск даражасини камайитириш керак. Риск даражаси юқори бўлган сохаларга кредит ресурсларини йўналтирилиши улардан кутилаётган фойда даражасига, шу билан бирга ушбу маблағларнинг қайтишига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Ушбу ҳолат, банк активлари сифатини пасайишига ва банкнинг иқтисодий ҳолатига путур етаказди.

Юқорида қайд этиб ўтилган фоизларни тўлашни ўртача қиймати, тижорат банкларига жалб қилинган маблағнинг ҳар бир сўми учун ўртача фоиз тўлаш қийматини белгилайди. қандай бўлса ҳам фондларнинг алоҳида манбалари учун ўртача қийматини харажатларнинг қарзларга нисбатан ўртача манбааси бўйича фоизлар тўлашга нисбатан маълум давр ичидаги бу манбааси учун ҳисоблаб чиқиш мумкин. Буни биз тижорат банклари маълумотлари асосида жалб қилинган маблағларнинг ҳар бир элементи бўйича фоиздаги қийматини ҳисоблаб топамиз.

Агар ўрнатилган банк капитали ўзгарувчан фоиз ставкасидаги жалб қилинган маблағларни ўз ичига киритса, яъни жалб қилинган маблағлар таркибий қисмлари талаб қилиб олингунча турадиган жамғармалар, ўртача фоиз ставкаси ўртача тортилган қийматни ҳисоблагани каби ҳисобланади. Республика тижорат банкларидаги миқдорларнинг омонат қолдиқларининг 2013 йил 1 январь ҳолатини қуйидаги жадвалда ўзининг ифодасини топади.

Бироқ бундай суммалар банкнинг ҳисобварағига келиб тушмагунча ушбу депозитга киритилган ҳисобланмайди. Ресурслар қийматини ҳисоблаш ссудалар бўйича спредни, яъни банк даромадлари билан уларнинг ресурслари қиймати ўртасидаги фарқни ҳимоялашга ёрдам беради. Жаҳон амалиётида қўлланиб келаётган банклар ресурсларининг қийматини ўлчаш услубиётининг тахлили банк ресурсларини баҳолашга икки хил ёндошув мавжудлигини кўрсатади.

Биринчи ёндошувда банк ссуда баҳосини белгилайди, бунда базис ставкаси сифатида фақат қарз ёки жалб қилинган ресурслардан фойдаланилади. Иккинчи ёндошувда активлар нархини ўрнатиш учун мезон

бўлиб умумий ресурсларнинг тортилган суммаси хисобланади, яъни ҳам жалб қилинган, ҳам ўз маблағлари хисобланади, чунки «барча активлар бирлашган ресурслар хисобидан молиялаштирилади», ундай ҳолларда мавжуд ресурсларни аниқ манбалари уларни ишлатиш билан тўғридан — тўғри боғлиқ бўлмайди.

Банк ресурсларининг реал қиймати ўз ичига операцияларга ишлов бериш харажатларини, ҳамда банк фаолиятини таъминлашга таълуқли харажатларни киритади. Уларнинг қарзга олинган маблағларига ва кредитларга таъсири, бинобарин банк хизматларини ички қийматини коэффициентини хисоблаш формуласи орқали аниқланади. Бу вақтда формуланинг барча қисми фақат банкнинг кредит операцияларига мансуб бўлади.

Умумбанк харажатлари тақсимланиши ушбу метод бўйича уч хил белгиси билан ўз аксини топади:

- у ёки бошқа операциялар билан шуғулланаётган ишчилар сони билан мувофиқ келиши;
- банкнинг таркибий тузилмаларга шартли операциялар бажариш сони билан мувофиқлиги;
- шартли операцияларни расмийлаштириш вақтида харажатлар нормаси билан мослиги.

Банкларнинг мажбуриятларини ўсиши банклар томонидан мижозларни жамғармаларини қўшимча маблағларни жалб қилиш орқали таъминлаган.

Банк тизимининг маблағларини ўсишига уларнинг таркибидаги бўлимлар ҳамда минибанклар ўз хиссаларини қўшди десак бўлади. 2013 йил 1 январь ҳолатига Ўзбекистон банк тизимида тижорат банкларнинг 800 дан ортиқ бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Мижозлар омонатларининг асосий қисмини талаб қилиб олгунга қадар омонатлар ташкил қилиб мижозлар омонатларини таркибида бундай омонатлари 68,9 фоизга тўғри келди.

Иқтисодиётнинг эркинлашуви шароитида тижорат банклари пул оқимлари ҳаракатининг бозор механизми самарали фаолиятини таъминлашда

молиявий ресурслардан янада оқилона фойдаланишни рағбатлантиришда, халқ бўжалиги тармоқлари (иқтисодиётнинг реал сектори) бўйича маблағларнинг юқори қайтим билан ишлашини таъминлашда фаол иштирок этишлари муҳим зарурият сифатида қўйилмоқда.

Иқтисодий базисдаги ушбу ўзгаришлар тижорат баіклари фаолияти самарадорлигини тахлил қилишга, эски ёндошувларни қайта кўриб чиқишни талаб этади.

2.3. Ўзбекистон Республикаси Акциядор-тижорат Қишлоққурилиш банкининг депозит операциялари таҳлили

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1090-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида чора-тадбирлар Дастури ишлаб чиқилиб, банк филиаллари томонидан аниқ ва мақсадли тадбирлар амалга оширилди.

2011 йил 26 ноябрдаги “2011-2015 йилларда Республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги ПҚ-1438 –сонли Қарори. Юқоридаги Қарор ва Фармонлар ижросини таъминлаш ва аҳолига сифатли банк хизматларини кўрсатиш мақсадида АТ Қишлоққурилишбанки томонидан 60 дан ортиқ муддатли омонат турлари жорий этилган.

2012 йилнинг IV чорагида АТ Қишлоққурилишбанки томонидан 50,0 млрд. сўмлик юридик шахслар учун мўлжалланган депозит сертификатлари чиқарилиб, 2013 йил 1 январ ҳолатига 13,1 млрд. сўмлик депозит сертификатлари юридик шахслар ўртасида жойлаштирилди. Банк ресурс базаси йил бошига нисбатан 412,5 млрд. сўмга ортиб, 855,1 млрд. сўмни ташкил этди. 2009 йил давомида фуқароларга жозибадор янги омонат

турлари таклиф этилди. Депозитларга аҳоли бўш пул маблағларини жалб этиш, омонатчилар учун қулай ва манфаатли шартларга асосланган янги омонат турларини жорий этиш ишлари янада фаоллаштирилиб, уларни кенг омма орасида тарғибот қилиш ишлари кучайтирилди.

4-жадвал⁹

2012 йилда мижозларнинг банклардаги омонат қолдиғи

№	Банкларнинг номи	Омонатлар млн. сўмда	Бозордаги улуши %да
1.	ТИФ Миллий банк	967124	19,34
2.	Асака банк	852460	17,05
3.	Ўзсаноатқурилишбанк	613675	12,27
4.	Қишлоққурилишбанк	361267	7,23
5.	Ипотека банк	357854	7,16
6.	Халқ банк	292031	5,84
7.	Ипак йўли банк	171825	3,44
8.	Траст банк	150447	3,01
9.	Капитал банк	140077	2,80
10	Кредит-стандарт банк	121647	2,43
11	Микрокредитбанк	43615	0,87
12	УТ банк	14913	0,30
13	Самарқанд банк	1787	0,04

Бунинг натижасида, 2013 йил 1 январ ҳолатига аҳоли депозитлари қолдиғи 271,2 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, ушбу кўрсаткич ўтган йил бошига нисбатан 195,1 млрд. сўмга кўпайиб, жорий йилнинг 1 январ ҳолатига 466,3 млрд. сўмни ташкил этди.

Жадвалдаги маълумотларини тахлили шуни кўрсатмоқдаки, жисмоний шахсларнинг омонатлари қолдиғи фақатгина тўртта банкда жисмоний

шахсларнинг омонатлари банк омонатлари бозоридаги улуши 65 фоизни ташкил этади.

5-жадвал

2012 йилда жисмоний шахсларнинг банклардаги омонат қолдиғи¹⁰

№	Банклар номи	Жисмоний шахслар омонати млн. сўмда	Бозордаги улуши %да
1	ТИФ Миллий банк	254300	22,70
2	Халқ банк	240973	21,51
3	Қишлоққурилишбанки	132527	11,83
4	Ўзсаноатқурилишбанк	114051	10,18
5	Асака банк	85313	7,61
6	Ипотека банк	55008	4,91
7	Капитал банк	39838	3,56
8	Ипак йўли банк	27340	2,44
9	Микрокредитбанк	14835	1,32
10	Савдогарбанк	14697	1,31
11	Қишлоққурилиш банк	12714	1,13
12	Кредит-Стандарт банк	9680	0,86
13	УТ банк	1795	0,16
14	Самарқанд банк	289	0,026

Тижорат банклари томонидан қабул қиладиган депозитнинг энг кўп миқдори чегараланмайди. Барча депозитлар жорий маблағлар тарзида қабул қилинади ва шу асосда тўланади.


⁹ www.cbu.uz

¹⁰ www.cbu.uz

Депозитлар тратта, чеклар, пул топшириқномалари, давлат хазина кафолатлари ва бошқа шаклларда келиб тушса, улар умумий олиш шарти билан қабул қилинади.

Жадвалда келтирилган маълумотлар тахлили шуни кўрсатмоқдаки банк миждозлари омонатларини қолдиғи ТИФ Миллий банкда энг катта улушни 19,34 фоизни, Асака банкда эса 17,05 фоизни ва Қишлоққурилишбанкда 12,27 фоизни ташкил этди. Демак юқорида кўрсатилган учта банкда миждозлар омонатларини қолдиғи банк омонатлари бозоридаги умумий қолдиқни ярмини 49,66 фоизни ташкил этади.

2-диаграмма¹¹



Қуйидаги диаграммада Республикамиздаги айрим банкларидаги мажбуриятлари таркиби тугрисидаги маълумот берилган


Диаграмма маълумотларидан кўринадики, банк мажбуриятларининг мутлоқ асосий қисми трансакцион депозитлардан иборат.

¹¹ Марказий банк йиллик хисоботлари

Бу эса банкнинг актив операцияларни, шу жумладан, ссуда операцияларини амалга ошириш имкониятини кескин жиловлйди. Тахлил қилинаётган тижорат банкларида муддатли депозитларнинг банк мажбуриятлари хажмидаги салмоғи атиги 10,00 фоиздан ошмайди.

Бу эса банкнинг ресурслар базасининг заифлигидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари ўз фаолиятини жадаллаштирилиши аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг банк хизматларига бўлган талабларини етарли даражада қондирмоқдалар.

3-диаграмма¹²



Шу билан бирга тижорат банкларида жамғарилган омонатлар таркибида жисмоний шахсларнинг омонатлари ҳам мужассамлашган. Фақатгина саккизта (ТИФ Миллий банк, Халқ банк, Агро банк, Ўзсаноатқурилишбанк, Асака банк, Ипотека банк, Хамкорбанк, Капитал

¹² Марказий банк йиллик ҳисоботлари

банк) йирик ва ўрта банклардаги жисмоний шахсларнинг омонатлар қолдиғи яқин 1 млрд. сўмни ташкил этмоқда.

Бунинг натижасида тижорат банкларнинг мажбуриятлари ҳам ошган ва 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига жами мажбуриятлари 6,8 триллион сўмни ташкил этди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги “Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1090-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида ва Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2009 йил 22 июндаги 24–сонли баённомасининг 1.6-бандида белгиланган аҳоли омонатлари қолдиғини йил бошига нисбатан камида 1,5 баробарга ошириш режаси жорий йилнинг 1 январь ҳолатига қарийб 1,7 баробарга оширилишига эришилиб, мижозларнинг депозит ҳисобварақларидан нақд пул маблағларини уларнинг биринчи талабига кўра сўзсиз берилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 7 ноябрдаги «Банк тизимини янада ривожлантириш ва бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-726-сонли қарорига мувофиқ Ўзбекистон банклар Ассоциацияси ва Марказий банк томонидан ишлаб чиқилган "2008-2010 йиллар давомида бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш ва нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини янада кенгайтириш бўйича чора-тадбирлар Дастури"да белгиланган режа кўрсаткичларининг бажарилиши таъминланди.

Жумладан, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига режадаги 450,0 мингта ўрнига жами 470,7 минг пластик карточкалар эмиссия қилинди. Шундан, ойлик иш ҳақи лойиҳалардаги пластик карточкалар сони 105,8 мингни ташкил этди. Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун эса жойларда 9235 та, шу жумладан, 683 та банк муассаларида ва 8852 та савдо ва маиший хизмат ҳамда умумий овқатланиш корхоналарига терминаллар ўрнатилиб, мижозларга хизмат кўрсатилмоқда. Ушбу кўрсаткич

ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,2 баробарга кўп демакдир. Шундан 3966 та терминалларнинг ўрнатилди.

2012 йил давомида муомаладаги пластик карточкалар орқали ўтказилган трансакциялар сони 7,7 млн. данадан ортиб, ўтказилган трансакциялар суммаси 257,2 млрд. сўмни ташкил этди. Банк муассасалари томонидан 2013 йилнинг 1 январ ҳолатига республика бўйича жами 878 та ташкилотнинг 1105,7 минг нафар ходимларига иш ҳақлари пластик карточкалар орқали тўланиши ташкил этилди.

Бундан ташқари, нақд пул маблағларининг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш ҳамда банкнинг янги хизмат турларини амалиётга жорий этиш мақсадида жойларда банк томонидан 11 та “Инфокиоск”лар ва 4 та банкоматларнинг иш фаолияти ташкил этилди ва бугунги кунда миждозларга самарали хизмат кўрсатиб келмоқда.

Республикамиз Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги ПҚ-1090-сонли қарори билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирлар дастурига мувофиқ аҳолидан қабул қилинадиган тўловларни ва жисмоний шахсларнинг пул ўтказмаларини ва пластик карталар орқали тўловларни “Uz-to`lov” миллий тўловлар тизими орқали амалга оширилишини таъминловчи дастур ишлаб чиқилиб амалиётга жорий қилиниши натижасида бугунги кунда 4662 дан ортиқ операцион пунктлар ушбу тизим орқали аҳолига қулай бўлган жойларда фаолият кўрсатиб, жорий йилнинг 1 январ ҳолатига 13,5 млрд. сўмдан ортиқ тўловлар нақд пулда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 26 январдаги ПҚ-1046-сонли қарори талабларини бажариш, шунингдек, қишлоқ жойларида аҳоли, деҳқон фермер хўжаликларига, кичик корхоналарга қулайликлар яратиш, банк ва миждоз муносабатларини янада мустаҳкамлаш, комплекс банк хизматларини амалга ошириш ҳамда коммунал ва бошқа тўловларни қабул қилиш мақсадида минибанк ва шахобчалар фаолиятини янада ривожлантириш борасидаги тадбирлар, шунингдек, 2007 йил 21 майдаги “Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат

кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-640-сонли қарори Қишлоққурилиш банкининг барча ҳудудий филиаллари бўйича белгиланган режа кўрсаткичларининг ортиғи билан бажарилиши таъминланди.

Жумладан: мини банклар сони 265 тага (режа 264 та), махсус кассалар 899 тага (режа 430 та), пластик карточкалар сони 370687 тага (режа 350000), терминаллар сони 7235 тага (режа 7235 та), аҳоли омонатлари қолдиғи 466,3 млрд. сўмга, жами кредит қўйилмалари қолдиғи 419,9 млрд. сўмга, фуқароларга ажратилган истеъмол кредитлари қолдиғи 74,8 млрд. сўмга етказилди, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йил давомида ажратилган кредитдар ҳажми 117,2 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткич ўтган йилни мос даврига нисбатан 49,4 млрд. сўмга кўп демакдир.

Банк томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги “Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 595-сонли қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 июндаги “Жамғариб бориладиган пенсия тизимини такомиллаштириш ва техника билан жиҳозлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-110-сонли қарори талабларининг бажарилиши бўйича ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан олиб борилаётган ишлар ва миқдорларга яратилаётган қулайликлар бўйича мунтазам равишда оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилмоқда.

Хусусан, жорий йил давомида Республикамизнинг бир қанча рўзномаларида банк фаолияти бўйича мақола ва эълонлар чоп этилди. Шунингдек, “Ўзбекистон” Миллий телеродиокомпанияси ва “Ёшлар” телеканалида “Аҳоли омонатларини либераллаштириш ва

кафолатлаштириш” тўғрисида ҳамда «Ёш оилалар»га ажратилаётган кредитлар бўйича реклама роликлари намоёиш этилди.

ОАТБ “Қишлоқ қурилиш банки”да чет эл валютасидаги талаб қилиб олингунча, жамғарма, муддатли ва бошқа депозит ҳисобварақларини очиш тартиби қуйидагича:

Мижозлар томонидан чет эл валюталарида ҳисобварақлар очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

1)Тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда деҳқон хўжаликлари томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) мазкур йўриқномада келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни хориждан олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан - яшаш жойи бўйича давлат солиқ хизмати органи томонидан берилган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси;

в) давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

г) мазкур йўриқномада келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган ҳамда нотариал тасдиқланган икки дона варақча;

д) тадбиркорлик фаолияти субъектлари бўлган резидент юридик шахслар томонидан таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари;

е) мижоз номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахсининг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат). Шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли қўрсатилгандан сўнг, банк томонидан ундан нусха олинади.

II)Тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар ҳамда Бюджетдан маблағ олувчилар томонидан миллий валютада талаб қилиб олингунча депозит ҳисобварақлари очиш учун банкка қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) мазкур йўриқномада келтирилган шаклга мувофиқ ҳисобварақ очиш тўғрисида ариза;

б) статистика органлари томонидан берилган Корхона ва ташкилотларнинг ягона давлат рўйхатига киритилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

в) мазкур йўриқномада келтирилган шаклга мувофиқ имзолар намуналари ва муҳр изи қўйилган ҳамда нотариал тасдиқланган икки дона варақча;

г) тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлмаган резидент юридик шахслар томонидан таъсис ҳужжатлари (таъсис шартномаси, устав) ҳамда уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нотариал тасдиқланган нусхалари, шунингдек, юридик шахс номидан пул-ҳисоб-китоб ҳужжатларини имзолаш ваколатига эга шахснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжати (паспорт ёки уни ўрнини босадиган ҳужжат). Шахсини тасдиқловчи ҳужжатнинг асли кўрсатилгандан сўнг, банк томонидан ундан нусха олинади.

Жумладан, ҳисобот даврида банк томонидан миқдорларга тақлиф этиб келинаётган хизматлар ва уларнинг афзалликлари тўғрисида, шунингдек, “Ўзтелерадиокомпания”нинг турли дастурларида 301 тадан ортиқ лавҳалар, марказий ва маҳаллий рўзномаларда 132 дан ортиқ мақола ва рекламалар тарғибот қилиб борилди.

2013 йил давомида аҳолининг банк тизимида бўлган ишончини янада ошириш ва мустаҳкамлаш, Қишлоққурилиш банки барқарорлигини таъминлаш, банкнинг инвестицион фаоллигини ошириш, унинг иқтисодийётнинг истиқболли тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнини

молиялаштиришдаги иштирокини кенгайтиришга қаратилган аниқ мақсадларга эришиш йўлида олиб борилаётган ишлар давом эттирилади.

2012 йил давомида банк муассасалари томонидан мамлакат банк тизимида ўтказилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, банкларнинг капиталлашувини кучайтириш, пул муомаласини барқарорлаштириш, аҳоли ва хўжалик субъектларига сервис хизматлари кўрсатилишини ривожлантириш борасида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумат қарорларининг ижроси юзасидан бир қатор аниқ ва мақсадли тадбирлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги “Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1166-сонли қарори ижросининг самарали ташкил этилиши натижасида 2010 йилнинг 1 январ ҳолатига кредит портфели ҳажми ўтган йилга нисбатан 177,3 млрд. сўмга ёки 1,7 баробарга ортиб, 419,9 млрд. сўмни ташкил этди. Кредит портфелининг 353,4 млрд. сўмини ёки 84,2% ини узоқ муддатли кредитлар ташкил этди.

Шу жумладан, банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 10 348 нафар фуқарога 9,9 млрд. сўмдан ортиқ миқдорда микрокредитлар ажратилди.

Ҳисобот даврида ажратилган кредитлар эвазига жами 117386 та янги иш ўринлари яратилди. Банк томонидан ипотека ва истеъмол кредитларини ажратилишига алоҳида аҳамият қаратилиб, 2012 йил давомида аҳолига ажратилган истеъмол кредитлари 47,4 млрд. сўм, ипотека кредитлари эса 31,7 млрд. сўмни ташкил этди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 18 майдаги “Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-3878-сонли Фармони ижроси бўйича ёш оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида 5222 нафар оиллага жами 25,5 млрд. сўмлик, шундан 531 нафар

оилага 11,9 млрд. сўмлик ипотека, 2556 нафар оилага 5,7 млрд. сўмлик микрокредитлар ажратилди.

Аҳолига истеъмол кредитларининг ажратилишида асосий устуворлик Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган товарларни сотиб олинишига қаратилди.

Жорий йил давомида банкнинг капиталлашувини ошириш учун акциядорларнинг маблағларидан ажратилган мақсадли маблағларни иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини модернизациялаш, техник ва техналогик жиҳатдан қайта жиҳозлашга оид янги лойиҳаларни инвестицион кредитлашга йўналтириш мақсадида, “Навоий тоғ-кон металлургия комбинати” Давлат корхонасининг “Автохўжаликни қайта қуроллантириш” инвестицион лойиҳаси (21 дона БелАЗ русумли автосамосваллар ҳамда 2 дона эксковатор)ни молиялаштиришнинг биринчи босқичига 37,0 млрд.сўм миқдорида маблағлар ажратилди (лойиҳанинг умумий қиймати 46.2 млрд.сўм).

«Ўзбекистон темир йўллари» Давлат акциядорлик компаниясининг «Янгиер-Жиззах йўналишида икки йўлли ва Янгиер-Фарход йўналишида бир йўлли электрлаштирилган темир йўл линиясини қуриш» ҳамда «Тўқимачи-Ангрен темир йўл участкасини электрлаштириш» объектлари қурилишига мақсадли айланма маблағларини тўлдириш учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 3,0 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Иккинчи босқич - "Марокаш-Қарши-Тошгузар-Бойсун-Қумқўрғон йўл участкаларини электрлаштириш" лойиҳасини молиялаштириш мақсадида 1,5 млрд. сўм миқдорида жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тизими маблағлари ҳисобидан кредит ажратилди.

Учинчи босқич - «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акциядорлик компаниясининг Капитал қурилиш дирекциясига «Қуювмеханиказаводи» ҳаракатдаги таркибининг ремонт базасини ривожлантириш» объектида қурилиш ишларини молиялаштиришга айланма маблағларини тўлдириш учун банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 1,0 млрд. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

«O'zavtosanoat-Leasing» МЧЖ шаклидаги лизинг компаниясига Наманган шаҳрида йўловчи ташишнинг сифатини яхшилаш мақсадида “СамАвто” МЧЖда ишлаб чиқарилган транспорт воситаларини сотиб олиш учун 1,95 млрд. сўм миқдорида кредит линияси очилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 11 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-775-сонли ҳамда 2008 йил 16 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Қишлоққурилиш банкининг капиталлашувини янада кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-986-сонли қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида 2009 йилда 30,0 млрд. сўмлик акциялар чиқарилди ҳамда акционерлар: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига жойлаштирилди.

Қишлоққурилиш банки Бошқаруви ва ҳудудий банк филиаллари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 15 апрелдаги “Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-57-сонли ва 5 августдаги қарори жумладан, жойларда доимий нақд пул тушумига эга бўлган чакана савдо, умумий овқатланиш ва бошқа хўжалик субъектларида савдо қоидаларига риоя этиш, аҳоли билан нақд пулда ҳисоб-китобларни амалга оширишда белгиланган тартибда назорат-касса машиналаридан фойдаланишни қатъий назоратга олиш, савдо тушумларини банк кассаларига ўз вақтида ва тўлиқ топширилишини ҳамда ушбу маблағлар ҳисобига ижтимоий ва барча турдаги тўловларни биринчи талаби билан, ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш чоралари кўрилди.

2013 йил давомида жами 2152,4 млрд. сўмлик, шу жумладан 1059,2 млрд. сўмлик савдо тушуми, 172,0 млрд. сўмлик коммунал тўловлари банк кассаларига кирим қилинди. Бунда, жами нақд пул тушумлари ўтган йилги кўрсаткичга нисбатан 591,6 млрд. сўмга кўп демакдир. Шундан 1278,5 млрд.

сўми ёки 59,4 % и 2012 йилнинг II ярим йиллиги давомида, яъни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Раёсатининг 2009 йил 22 июндаги 24–сонли баённомасидан кейин амалга оширилди.

Нақд пул маблағларини ўз вақтида ва узлуксиз берилиши бўйича олиб борилган ишлар натижасида 2009 йил давомида банк мижозларига бюджет ташкилотларининг 120,4 млрд. сўмлик иш ҳақлари, 1205,6 млрд. сўмлик пенсия ва нафақа тўловлари, 385,2 млрд. сўмлик омонат тўловлари, 124,9 млрд. сўмлик мижозларнинг бошқа нақд пулдаги талаблари бўйича чиқимлар амалга оширилди.

III-боб. Тижорат банкларига аҳолининг бўш маблағларини жалб қилишни такомиллаштириш

3.1. Тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштиришдаги муаммолар

Битирув малакавий ишимизнинг олдинги бобларида амалга оширилган таҳлил натижалари шуни кўрсатдики, республикамизнинг тижорат банкларида депозит сиёсатининг самарадорлигини ошириш борасида қуйидаги муаммолар мавжуд:

1. Тижорат банкларининг депозит базасининг заифлиги муаммоси. Республикамизнинг бир қатор йирик тижорат банкларининг депозит базасининг умумий ҳажмида трансакцион депозитларнинг салмоғи юқориликча қолмоқда. Бу ҳолат тижорат банкларининг депозит базасининг заиф эканлигидан далолат беради. Ўз навбатида, тижорат банкларининг депозит базасининг заиф эканлиги уларга актив операциялар ҳажмини сезиларли даражада ошириш имконини бермайди. Бундан ташқари, трансакцион депозитларнинг йирик салмоққа эга эканлиги тижорат банкларининг ликвидлилигига салбий таъсир қилади. Ўзбекистан Республикаси Марказий банки томонидан тижорат банкларининг фаолиятига нисбатан қўлланилаётган жорий ликвидлик коэффиценти тижорат банкларининг ликвидли активларини трансакцион депозитлар ва банк тўловларининг умумий суммасига бўлиш йўли билан аниқланади. Банкда трансакцион депозитнинг суммаси қанчалик катта бўлса, у шунчалик катта миқдорда ликвидли активларни сақлаб туришга мажбур бўлади. Агар республикамизнинг йирик тижорат банкларида ликвидли активларнинг мутлақ асосий қисмини "Ностро" вакиллик ҳисобварақларининг қолдиқларидан иборат эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, мазкур ҳолат банк активларининг даромадлилигига жиддий зиён етказади. Ҳозирги вақтда тижорат банкларининг жорий ликвидлилигига нисбатан белгиланган мазкур

талабнинг минимал даражаси 30 фоизни ташкил қилади. Бу эса, нисбатан юқори кўрсаткич бўлиб, банкларни йирик миқдорда ликвидли активларни сақлаб туришга мажбур қилади.

Ривожланган индустриал давлатлар амалиётида юқори ликвидлилик хусусиятига эга бўлган қимматли қоғозларнинг эмиссия хажми жуда катта бўлиб, бу ҳолат тижорат банкларига ликвидли активларнинг маълум қисмини ана шундай қимматли қоғозлар шаклида шакллантириш имконини беради. Республикамизда эса, юқори ликвидли қимматли қоғозларнинг эмиссия хажми нисбатан кичик эканлиги қимматли қоғозлар бозорининг тахлилига бағишланган ишларда яққол кўзга ташланмоқда.

2. Республикамиз банкларида миждозларнинг вақтинчалик пул пул маблағларини муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига жалб этиш борасидаги тадбирларнинг самарадорлик даражасининг оширади.

Ушбу муаммо банкларнинг фойдасини тақсимлаш жараёнида яққол намоён бўлади. Бунинг боиси шундаки, миждозларни ўз пул маблағларини банкларнинг муддатли ва жамғарма депозит ҳисобрақамларига қўйишга ундайдиган, рағбатлантирадиган асосий омил бу депозитларга тўланадиган фоиз ставкаси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида депозитларга тўланадиган фоизлар жами фоизли харажатларнинг мутлақ асосий қисмини ташкил этади.

Республикамизнинг бир қатор йирик тижорат банкларида, хусусан, Дат Халқ банкда фоизли харажатларининг асосий қисми банклараро кредитлар учун тўланган фоизларга тўғри келади. Банклараро кредитлар эса, молиялаштиришнинг нисбатан қиммат бўлган шакли ҳисобланади. Демак, бу ҳолат банкнинг харажатларини ўсишига олиб келади.

3. Республикамиз банк амалиётида тижорат банкларининг ресурс базасига салбий таъсир кўрсатадиган мажбурий захира талабномаларининг мавжудлиги.

Амалдаги захира талабларига кўра, республикамизнинг тижорат банклари депозитларнинг барча шаклларида нисбатан 15 фоизли ставкада

мажбурий захира ажратмалари қилишлари шарт. Хорижий валютадаги депозитлар, аҳолининг муддатли омонатлари ва банклараро кредитлар мажбурий захира ажратмалари қилишдан озод қилинган.

Амалдаги мажбурий захира ставкалари даражасини нисбатан юқори эканлиги ва табақалаштирилмаганлиги тижорат банкларининг депозитларга фоиз тўлаш имкониятига салбий таъсир қилмоқда.

Юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал этиш тижорат банкларининг депозит сиёсатини такомиллаштириш имконини беради. Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

1. Мажбурий захира ставкаларини депозитларнинг муддати ва суммасига боғлиқ равишда табақалаштириш лозим.

Маълумки, тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўлов қобилияти даражасига таъсир этувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб, улардан бири бу Республика Марказий Банкнинг мажбурий захиралар фондига ажратмалар механизми ҳисобланади. Республикамизда ҳозирги кунда ушбу фондга ажратма меъёри тижорат банкларининг депозитларига нисбатан 15 фоиз, (жисмоний шахсларнинг муддатли, ҳукумат депозитлари ҳамда хорижий валютадаги депозитлар бундан мустасно), бу ҳол тижорат банкларининг манфаатларига зид келади, чунки биринчидан, ушбу банкларнинг ресурс базалари ва шунга мос равишда активларга қилинадиган қўйилмаларидан оладиган даромадлари миқдори камайса, иккинчидан, ушбу жалб қилинган депозитлар баҳоси ошиб кетади.

Юқоридаги ҳол тижорат банкларининг рентабеллигига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга ресурслар баҳосининг ошишига олиб келади. Бундай вазиятда тижорат банклари фоиз даромадлари олиш мақсадида активларни янада юқорироқ фоиз ставкаларида жойлаштиришга мажбур бўладилар ва оқибатда тижорат банклари маблағларни қисқа ва узоқ муддатга ишлаб чиқариш соҳаларига қўйилма қилгандан кўра, тезда ва катта миқдорда

даромад келтирадиган ноишлаб чиқариш сохаларига қўйилма қилишни афзал кўрадилар.

Юқоридагиларни инобатга олган холда, Марказий банк юқори захира ставкаларини трансакцион депозитлар ва корхоналарнинг жамғарма депозитларига нисбатан белгилаши лозим. Муддатли депозитларга нисбатан захира ставкаларини белгилашда уларнинг муддатини ҳисобга олиши керак. Муддатли депозит қанчалик узоқ муддатга жалб қилинган бўлса, мажбурий захираси шунча паст белгиланиши лозим.

2.Депозитларнинг ўз вақтида мижозларга қайтарилишини таъминлаш мақсадида тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллиги устидан амалга ошириладиган назорат ва таҳлилни кучайтириш лозим. Бу муаммо ривожланган хорижий давлатларнинг банк амалиётида ҳам мавжуд.

Тижорат банклари активларининг умумий ҳажмида кредитларнинг салмоғи юқори бўлганлиги сабабли, уларни ўз вақтида қайтмаслиги тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигига салбий таъсир қилади. Кредитлар бўйича ҳисобланган фоизларни ўз вақтида қайтмаслиги банкнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир қилади. Ушбу таъсир биринчи навбатда банкларнинг депозитларга фоиз тўлаш имкониятини чекланиб қолишига олиб келади. Жаҳон Тиклаш ва Тараққиёт банкининг эксперти Крис Барлтроп ўзининг тадқиқотларида шундай ҳолатни баён этадики, бир қатор ривожланаётган давлатларда тижорат банкларининг фоизли даромадларини депозитларга тўланадиган харажатларни молиялаштиришга етмай қолиши натижасида, ушбу банклар капитал ва жалб қилинган маблағлар ҳисобидан депозитларга фоизлар тўлаш ҳолларига йул қўйганлар. Бу эса, банкнинг ресурслар базасига ва тўловга қобиллигига салбий таъсир қилади.

3. Кенг омма омонатчиларнинг майда жамғармаларини жалб қилиш мақсадида почта жамғармаси ташкилоти тизимини ривожлантириш зарур.

Ушбу таклифни амалга ошириш механизмида Япония тажрибаси:

Почта жамғармаси ташкилотлари кенг омма омонатчиларидан майда жамғармаларни омонатларга жалб қилади ва бу жалб қилинган маблағларни

Япония Молия вазирлигига маълум бир фоизда жойлаштиради. Япония Молия вазирлиги почта жамғармаси ташкилоти томонидан жалб қилинган омонатларнинг сақланиши, тўланишига кафил бўлади. Ушбу вазирлик томонидан депозитга олинган маблағлар Япония тараққиёт банкига, хар-хил давлат фондларига, ҳамда бизнес субъектларини қўллаб қувватлашга йўналтирилади.

4.Депозит базасини шакллантиришда кредит олувчиларни аризаларида кўрсатилган муддатларни эътиборга олиш ёки жалб қилинган депозитларни муддатлари бўйича кредит портфелини шакллантириш лозим. Яъни депозит ва кредитлар мувозанатини сақлаш бўйича шрнатилган меърларга тўлиқ амал қилиш кўзда тутилиши лозим. Бунинг учун мувозанатнинг оптимал вариантларини ишлаб чиқиш зарур.

3.2 Аҳолидан депозит маблағларини жалб қилишни такомиллаштириш йўллари

Ўзбекистон тижорат банклари бозор муносабатларига ўтиш шароитида банк соҳасининг ривожланиш тенденцияларини ҳисобга олиб, иш усулларини, аввало якка омонатчиларнинг жамғармаларини бошқариш борасидаги иш усулларини такомиллаштира бориши керак. Чет эл ва мамлакатимиздаги тажриба шуни кўрсатмоқдаки, омонотлар бўйича тўланадиган фоизлар миқдори омонотчилар учун энг муҳим рағбатлантирувчи омиллардан биридир.

Банкнинг нуқтаи назарида, бундай фоиз-пул жамғармаларини шакллантириш ва ишлатишни бошқариш инструментлари ва айти вақтда банк ресурслари учун рақобат кўриши.

Банк фоиз сиёсатини қуйидаги принциплардан келиб чиққан ҳолда олиб бориш керак:

➤ тижорат банклари операциялари бўйича фоиз ставкалари даражасини пул бозоридаги талаб ва таклиф билан таққослаб бориш керак.

Пул бозоридаги конъюктуранинг ўзгариши банкнинг ҳам актив, ҳам пассив операциялари бўйича фоиз ставкалари даражасини белгилаши керак;

➤ фоиз ставкаси шунингдек, омонотларда маблағларни сақлаш муддати билан ҳам таққослаб борилиши лозим.

➤ фоизнинг, омонатнинг узоқ муддат сақланишига боғлиқлиги аҳолининг пул маблағларини жалб қилишни ва уларнинг узоқ муддатларга “боғлаб қўйилишини” рағбатлантиради;

➤ фоиз ставкалари миқдори банк фаолиятининг рентабеллигини таъминлаши, фоизларга оид таваккалчилик хавфини йўққа чиқариши (ёки чеклаши) керак;

➤ аҳолининг муайян гуруҳлари учун имтиёзлар белгиланиши давлат ижтимоий-иқтисодий сиёсатининг янги босқичидир.

Бу эса омонатлар бўйича фоизларни ижтимоий жихатдан табақалаштириш имконини беради. Нархлар ошиши ва инфляция шароитида омонатлар бўйича тўланадиган фоиз кафолат–суғурта ролини ўйнаши, яъни омонатчиларни ижтимоий-иқтисодий химоялаш шакли бўлиши лозим. Бундай табақалаштирилган фоиз кейинги вақтларда кўпчилик банкларнинг фаолиятида кенг қўлланиладиган бўлиб қолди.

Тижорат банк тизимида омонатлар бўйича фоизларни ҳисоблаш асоси сифатида нафақат олтин ёки бошқа хил қимматбаҳо металлари, шунингдек, барқарор ва кучли курсдаги қаттиқ валютани ҳам қўлланиши мумкин. Ҳозирги вақтда барча қўйилмалар инфляция оқибатидаги қадрсизланишини кузатиб бориш имконияти юзага келмоқда. Бу эса банк тизимида аҳолининг ишончини сақлаб қолиш ва инфляция оқибатларини юмшатиш имконини беради.

Республика Марказий банки Имтиёзли кредитлаш жамғармасини ташкил этиш тартибини ишлаб чиққан бўлиб, у жойлардаги Бош бошқармалар томонидан тижорат банкларининг ҳамма бўлимларига етказилди.

Республика Вазирлар Махкамасининг “Кичик корхоналар, дехқон ва фермер хўжаликларини молиялаш, моддий-техникавий таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарорига мувофиқ, 2012- + йилда бошланғич сармояни шакиллантиришга 10 млн. сўмдан кўпроқ, дехқон ва фермер хўжаликлари ассоциацияси 1,6 млн.сўм маблағ ажратди.

Хозирги вақтда республика тижорат банклари ўз мижозларига қўйилмаларнинг хилма-хил турларини таклиф этмоқда. Лекин уларнинг айримларигина, аниқроғи, фақат муддатли депозит омонатлари мижозлар учун маъқул бўлган.

Якка инвесторлар депозитларининг ошиб боришига инфляция суръатига мутаносиб равишда белгиланган тўлов фоиз ставкалари ижобий таъсир кўрсатилган бўлар эди.

Пул бозорининг депозит ҳисобварақлари каби жамғарма қўйилмаси тури қатор хорижий мамлакатларда синовдан ўтган. Мазкур ҳисобварақлар бўйича фоиз меъёри бозор конъюктураси ўзгаришига нисбатан даражада сезгир бўлади. Чунки у ғоят ўзгарувчан дир ва пул бозоридаги талаб ва таклифга қараб ўзгариб туради.

Шу билан бир қаторда қўйилмалар тизимининг ўзини ҳам қайта кўриб чиқиш керак. Чунки уларнинг айрим турлари (ёшларга мўлжалланган муқофотли, ютуқли, пул-буюмли) яхши ривожланган эмас.

Инфляция даражасини ҳисобга оладиган ва омонатчиларнинг депозитлари бўйича кутилаётган бой беришларини қоплаш имкониятини берадиган индексацияли омонатларни амалиётга жорий этиш аҳоли жамғармалари оқимининг банкка келишига инфляциянинг салбий таъсирини камайтириши мумкин. Аҳоли инфляциясининг даражаси бу рақамдан анчагина юқорироқ бўлишини кутмоқда. Шу сабабли, ушбу қўйилмаларни кенг жорий этиш мақсадга мувофиқ дир. Буни қуйидаги тарзда амалга оширишни таклиф этамиз: қабул қилинган қўйилмалар бўйича инфляция даражасидан келиб чиққан ҳолда ҳар ойда индексация ўтказиш керак.

Депозитлар бўйича фоизларни ҳисоблаб чиқишда инфляциянинг расмий даражасидан ташқари, махсус коэффициент (инфляциявий кутиш коэффициенти)ни ҳам қўшиш керак.

Тўлов механизмини таъминлаш, шу жумладан пул маблағларини нақдсиз шаклларга ўтказишни таъминлаш банкларнинг ўзига хос функцияларидан биридир. Мижозларнинг чекларга ва кредит карталарига ишончлари қанчалик юқори бўлса, банкларга ушбу функциясининг аҳамияти шунчалик муҳим бўлади, у маблағлар келиб тушиши билан тўловларни амалга ошириш ўртасидаги оралиғини қисқартириш имконини беради. Бундан ташқари, функциялар аралаш тартибига эга бўлган депозит ҳисобварақларидан фойдаланиш, бир томондан, бундай ҳисобварақлардаги маблағлардан ҳисоб-китоблар учун фойдаланиш мумкин. Иккинчи томондан эса улар инвесторларга муайян даромад келтирадиган ўзига хос инвестициялар бўлади.

АҚШда бундай ҳисобварақлар жумласига пул бозори ҳисобварақларидан ташқари, нау ҳисобварақлари (now account) маблағлари автоматик тарзда ўтказиладиган ҳисобварақлар (МАЎХ ҳисобварақлари ва АТС–ҳисобварақлари), супер нау ҳисобварақлари киради. Чунончи АҚШ банклари омонатчиларни жамғарма қўйилмаларини сақлашга қизиқтиришга интилиб, чеклар ёрдамидаги ҳисоб-китоблар имкониятини таъминлайдиган нау ҳисобварақлари очмоқдалар. Бошқа ҳисобварақлар (АТС ҳисобварақлари) жорий омонат тугалланган тақдирда мижозни ушбу ҳисобварақига жамғарма қўйилмасидан автоматик тарзда пул ўтказишга имкон беради. Шу билан бирга, қатор ҳолларда корпорациялар ҳам, хусусий шахслар ҳам мазкур ҳисобварақларга эга бўлишлари мумкин.

Истиқболда Ўзбекистон тижорат банклари аҳолига турли хизматлар пакетини - боғланган хизматлар ҳисобварақлари деб аталмиш хизматларни таклиф этадиган хориж тижорат банкларини тажрибасидан ҳам фойдаланишлари мумкин бўлади. Одатий жорий чекли ҳисобварақни, зарур

бўлганида унга жамғарма қўйилмасидан маблағлар ўтказилишини мисол сифатида айтиб ўтиш мумкин.

“Фуқароларнинг банклардаги омонатларини химоялаш кафолатлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилиниши республикамизда фуқароларнинг банклардаги омонатларини химоялаш кафолатларининг ҳуқуқий асосини яратди. Шунингдек, ушбу қонун Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган банклардаги фуқароларнинг омонатларини кафолатлаш тизимининг ҳуқуқий, молиявий фаолияти ва ташкилий асосини белгилаб берди.

Қонуннинг қабул қилинишидан кўзда тутилган мақсад, биринчидан, аҳолини ижтимоий химоялаш, яъни, омонатчилар ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини химоя қилишдан иборатдир. Иккинчидан, республика банкларига бўлган ишончни янада ошириш ва аҳоли омонатларини Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган банкларга жалб қилишни рағбатлантиришга қаратилган.

Қонун омонатчининг Фонддан ўз омонати бўйича ҳақини олиши унинг банкка нисбатан омонати бўйича олган ҳақидан ортиқ миқдордаги талабларини қаноатлантириш ҳуқуқларини истисно, этмайди. Эндиликда республикамиз аҳолиси ўз жамғармаларини ишонч билан банк омонатларига қўйишмоқда, чунки уларни қайтариб олиш энди қонун билан кафолатланган. Зеро, бугунги кунда банк ҳам аҳоли ишончини тўла қозонмоқда. Бу борада айниқса, республикадаги мавжуд тижорат банклари аҳоли учун турли хил имтиёзли фоидаларда янги омонат турларини жорий этиб, фуқароларимиз эътиборига ҳавола этишмоқда. Бинобарин, фуқаролар даромад қилишининг энг беҳавотир ва ишончли услуби ҳам бўш маблағларни банкларда мавжуд омонатларга жойлаштириш ва уларнинг қимматли қоғозларини сотиб олиш ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида миллионлаб фуқаролар ўзаро манфаатларини кўзлаб, банкларнинг пул ўтказиш, тўловларни амалга ошириш, бўш маблағларни омонатларга жойлаштириш каби турли хизматларидан фойдаланадилар. Шу ўринда фуқароларнинг қандай

омонатлари кафолатланмаслиги хақида ҳам бир оз тўхталиб ўтсак. Жумладан, “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини химоялаш кафолатлари тўғрисида” ги қонунга мувофиқ:

- фуқароларнинг банклардаги, қонун ҳужжатлари билан кафолатлашнинг алоҳида тартиби назарда тутилган омонатларида турган;

- фуқароларнинг банклар ишончли бошқарувига топширилган;

- тақдим этувчига тўланадиган ҳисоб-варақларда сақланаётган;

- юридик шахс мақомини ташкил этмаган ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларига қўйилган;

- мазкур банк ёки учинчи шахслар олдидаги мажбуриятларни таъминлаш учун фуқароларнинг банклардаги гаровда турган омонатларига қўйилган;

- банкларнинг чет эллардаги филиалларига қўйилган пул маблағлари кафолатланмайди. Шунингдек, фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича фонд даромадлари ҳам фонд томонидан кафолатланмайди.

Фонд фаолиятининг мақсади, банкнинг банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан чақириб олинган тақдирда, фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ тўланишини қонунчиликда назарда тутилган шартларда ва миқдорда кафолатлашдан иборатдир.

Фонд фаолиятига умумий раҳбарликни кенгаш амалга оширади, кенгаш таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади. Қонун қабул қилинишидан асосий, мақсад, аҳолининг банкларга бўлган ишончини янада оширишдан иборат эди. Фонднинг мол-мулки банкларнинг мажбурий бадаллари, маблағ қўйилишидан олинган даромадлар, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа тушумлар ҳисобидан ва фуқароларнинг банклардаги омонатлари қолдиғидан ҳар чоракда ўтказиладиган 0,5 фоиз миқдорида белгиланган мажбурий бадаллар ва олинган даромадлар ҳисобига шакллантирилади. Фонднинг ҳисобварағи

Марказий банкда очилган бўлиб, у ўз маблағларини давлатнинг қимматли қоғозларига ва бошқа активларга жойлаштириши ва улардан олинган даромад хисобига фонд маблағларини камайтиришидан иборат.

Ушбу тартиб нафақат Ўзбекистон Республикаси фуқароларига, балки чел эл фуқаролари ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларга ҳам бирдек таъсир кучига эга. Банкларга қўйилган чет эл валютасидаги омонатлар ҳам фонд томонидан кафолатланган бўлиб, улар бўйича ҳақ тўлаш лицензия чақириб олинган кундаги курс бўйича миллий валютада амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг банк операцияларини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензияси бўлган, ҳозирда Ўзбекистон Республикасида мавжуд барча тижорат банкларидаги ва уларнинг филиалларидаги фуқароларнинг омонатлари фонд томонидан кафолатлангандир.

Фонд томонидан қисқа муддат ичида республикада фаолият кўрсатаётган жами тижорат банклари, шу жумладан, хорижий банклар ва қўшма банклар билан ёзма битимлар тузилиб, ушбу банклардаги фуқароларнинг омонатлари белгиланган тартибда ва миқдорда қайтарилиши кафолатланади. Омонатчилар агент банкка ўз омонатлари бўйича ҳақ олиш учун мурожат қилганларида агент банк мазкур ҳақни омонатчи ўзининг қанча миқдорда омонати борлигини ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатларини кўрсатган тақдирда тўлаши шарт. Фуқароларнинг банклардаги омонатлари бўйича ҳақ юқорида санаб ўтилган тегишли ҳужжатлар кўрсатилган тақдирда, омонатчиларнинг қонуний вакилларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига ҳам тўланади.

Агар банк омонатчига нисбатан кредитор сифатида ҳам иш юритган бўлса, омонатлар бўйича ҳақ тўлаш миқдори омоначига тўланиши лозим бўлган омонатлар бўйича ҳақ тўлаш суммаси билан банкнинг муқобил талаблари суммаси ўртасидаги фарқ сифатида белгиланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Банк ресурсларини шакллантириш билан боғлиқ бўлган операциялар банкларнинг пассив операциялари дейилади. Пассив операциялар ёрдамида тижорат банкларнинг пассив ва актив – пассив счётидаги пул маблағларининг салмоғи ошиб боради. Банкларнинг пассив операциялари уларнинг фаолиятини ташкил этилишда катта рол ўйнайди. Пассив операциялар ёрдамида тижорат банклари кредитлаш учун зарур бўлган кредит ресурсларини ташкил қилади.

Тижорат банклари пассив операцияларининг асосан тўртта шакли мавжуд:

- 1.Тижорат банклари қимматбли қоғозларини муомалага чиқариш йўли билан ресурслар йиғиш;
- 2.Банк фойдаси ҳисобидан ҳар хил фондлар ташкил қилиш ёки фондлар суммасини ошириш;
- 3.Бошқа кредиторларнинг маблағларини жалб қилиш;
- 4.Депозит операцияларни амалга ошириш.

Тижорат банкларининг ресурслари банкнинг ўз маблағлари жалб қилинган ва эмитентлашган маблағлар ҳисобидан шаклланади.

Юқорида келтирилган пассив операцияларнинг биринчи ва иккинчи шаклларида ўз маблағлари юзага келади ва қолган охириги икки шаклида кредит ресурсларнинг иккинчи қисми жалб қилинган ресурслар юзага келади.

Банкларнинг ўз маблағларига – банкнинг устав капитали, резерв капитали, махсус фондлар, моддий рағбатлантириш фонди, бошқа ҳар хил ташкил қилинган фондлар ва тақсимланмаган фойдаси киради. Амалиётда банк пассивларининг 12 фоизи банкларнинг ўз маблағларига тўғри келади.

Банкларнинг ўз маблағлари ичида асосий ўринни банкнинг ўз капитали эгаллайди. Банкнинг ўз капитали таркибига биз юқорида келтириб ўтган капиталнинг бир қисми, яъни устав капитал, рискларни қоплаш учун ташкил

килинган резерв фонд, тақсимланмаган фойда киради. Банкларнинг ўз капитали банк кредиторларининг манфаатини химоя қилиш, банк фаолиятининг барқарорлигини таъминлаш, банк фаолиятини бошқариш каби функцияларни бажаради.

Банкнинг устав капитали суммаси банк уставида кўрсатилади ва ишини бошлашнинг бошланғич нуқтаси хисобланади. Банкларнинг ташкил қилишнинг шакллариغا қараб банкнинг устав капитали ҳам ҳар хил ташкил топади. Агар банк акциядорлик жамияти тариқасида ташкил қилинадиган бўлса, устав капитали суммаси қонун йўли билан чегараланмайди. Банкларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида унинг минимал миқдори белгилаб берилади.

Муддатли омонатлар мижоз томонидан банкга маълум муддатга қўйиладиган қўйилмалар бўлиб, улар орқали мижозларга банк томонидан юқори фоизлар тўланади. Бунда фоиз ставкалари қўйилманинг муддати ва миқдорига боғлиқ бўлади.

Муддатли қўйилмаларнинг турларидан бири—маблағларни жалб қилишнинг аниқ қайд этилган вақтда мўлжалланган депозит сертификатлари хисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини химоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунининг 8-моддасида бир йўла тўланадиган ва календар бадаллар банкларнинг Фондга тўланаётган мажбурий бадаллар чегириб ташланади. Қарорларнинг мазкур бандларини аҳоли омонатлари бўйича фоиз ставкалари ҳамда тижорат банклари томонидан тўланадиган солиқлар миқдорини камайтиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Бундан кўриниб турибдики, банкларнинг депозит операциялари ривожини учун катта имкониятлар яратилди ва банклар бу соҳада ижобий натижаларга эришмоқда. Албатта, бу соҳада эришилган муваффақиятлар қувонарлидир. Лекин, фикримизча ҳали бу соҳада қилиниши лозим бўлган

ишлар талайгина. Биз бу борада қуйидаги тадбирларни амалга оширишни таклиф қиламиз:

1. Аҳолининг бўш пул маблағларини банкларнинг депозитига қабул қилиш учун банклар томонидан жорий этилган депозит турларини, фоиз ҳисоблаш тартибларини соддалаштирган ҳолда, кенг халқ оммасига тушунарли қилиб ишлаб чиқиш, уларнинг бўш пулларини банкларда сақлашнинг афзалликлари тўғрисида оммавий ахборот воситалари орқали кенг кўламда реклама ва ташвиқот ишларини ташкил этиш, шунингдек, банклар бераётган бундай рекламаларни бепул ёки имтиёзли равишда эълон қилишни жорий этиш зарур.

2. Банк омонатларининг тўлиқ кафолатланганлиги ва уларнинг биринчи талабдаёқ қайтарилишини таъминлаш аҳолининг банкка бўлган ишончини ошишга олиб келади.

3. Аҳолининг банк омонатларидан олинган даромадалари солиқдан маълум муддатга озод қилиш ҳамда омонат маблағларининг келиб чиқиши манбаларини декларация қилинмаслигини таъминлаш.

4. Банклар томонидан турли жозибадор фоиз тўловларнинг таклифини кўпайтириш.

5. ”Банк сири тўғрисида”ги қонунга қатъий риоя қилиниши назорат қилиш.

Лекин, банкларда аҳолининг бўш пул маблағларини қабул қилишга етарлича имконият, қулай шарт – шароит, аҳолига тез ва сифатли хизмат кўрсатиш жорий этилмас экан, аҳолининг бўш пул маблағларини қандай йўл билан жозибадор депозитларга жалб қилиш мумкин? Бу борада ривожланган ғарб мамлакатларида ташкил қилинган иш услубларини кенг ўрганишимиз ва зарур ҳулосалар чиқаришимиз лозим деб ҳисоблайман.

Хорижий банк амалиётида пластик карточкалар ёрдамидаги операциялар аҳоли бўш пул маблағларини банкларга жалб этиш ва пул маблағларининг банк орқали айланишини таъминловчи манба бўлиб хизмат қилади. Худди шу йўналишда иш ташкил этиш ва ривожлантириш бўйича

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меъёрий – ҳуқуқий база яратилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора – тадбирлари тўғрисида” 2002 йилдаги қарорида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва тижорат банклари зиммасига 2002 йил 1 октябргача кредит пластик карточкаларни муомалага чиқариш юзасидан мажмуавий чора – тадбирларни ишлаб чиқиш, 2003 йил 1 январдан бошлаб эса, Тошкент шаҳрида тажриба тарзида пластик карточкалардан фойдаланиш йўли билан иш ҳақи тўлашга босқичма-босқич ўтиш вазифаси юклатилган эди. Тижорат банклари мазкур соҳани ривожлантириш учун хориждан импорт қилаётган жихозлар бўйича божхона божлари тўлашдан озод қилинди. Тижорат банклари чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда товарлар ва хизматлар ҳақ тўлаш сифатида пластик дебет карточкалари қабул қилишни таъминловчи терминллар тармоғини кенгайтириш тўғрисидаги қарори қабул қилинди. қарорнинг асл моҳияти нима, иқтисодиётга таъсири, шунингдек, пластик карточка нима, қандай, унинг афзалликлари нима-ю, камчилликлари нималардан иборат, деган савол туғилади.

Пластик карточкаларга қисқа ва тушунарли қилиб, пул маблағларининг нақдсиз кўринишда сақланувчи “ҳамён” дея таъриф бериш мумкин. Пластик карточкалар маблағларни банкларда жамғаришга, нақд пулсиз электрон тўловни амалга оширишга ҳамда пул маблағларни банк бўлинмаларидан ва банк автоматларидан нақд шаклида олишга имконият берадиган ҳамда идентификацион восита бўлиб хизмат қилади.

Пластик карточкалар дебет ва кредит турларига бўлинади. Шунингдек, уларни магнит ва микроконтроллерли турларга ҳам ажратиш мумкин.

Магнит пластик карталарда ахборотларга эга бўлган магнит чизик мавжуд (Online режимда ишлайди). Яъни пластик карточкага маблағлар иш қилиниги исталган вақтида қилиниши ёки ундан чиқим қилиниши мумкин. Ахборот сиғдириш ҳажми нисбатан кичик.

Микроконтроллерли пластик карточкаларда бирлаштирилган микроконтроллер бор. Унда ахборот ёзилган доимий хотира, ҳисоб амалга ошириладиган вақтда хизмат қиладиган оператив хотира, энергияга боғлиқ бўлмаган хотира, киритиш-чиқариш тизими мавжуд.

Бу карталар SMART ҳисобланади, яъни интеллектуал бўлиб, On- line ва Off- Line режимида ишлайди. Унда бир неча, ҳар хил мақсадлар учун қўлланиладиган электрон “қошелек” лар мавжуд. Ахборотни сиғдириш ҳажми магнит карталарга нисбатан катта.

Пластик карточкалардан фойдаланиш бир қатор қулайликларни келтириб чиқаради. Жумладан, аҳоли учун:

- тўланадиган фоизлар ҳисобига ҳар бир миқдорнинг даромади ошиб боради;
- ҳатто оз суммаларнинг сақланиши ҳисобига банкда маблағлар жамланади;
- пул маблағлари ҳавфсиз сақланади;
- савдо корхоналарида кассирлар иш унумининг ошиши ҳисобига хизмат вақти тежалани;
- пул маблағларини доимо ўзи билан олиб юришда қулайлик туғдиради;
- гигиеник жиҳатдан анча қулай.

Банк учун қулайликлари:

- кичик бўлса ҳам кўп жамғармачилар ҳисобига йирик маблағлар тўпланади;
- банкка аҳоли ҳисоб варақларига иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг ўтказилиши ҳисобига маблағларнинг барқарор оқими таъминлайд;
- банкнинг миқдорлари билан ҳисоб-китобларини анча енгиллаштиради;
- савдо корхоналари ва банклар ишининг автоматик равишда маблағларни айланиш ва тўловларнинг ўтиш тезликлари ошади;

- инкассация ва нақд пулларни ўраб, боғлаш харажатлари, кассирларнинг штатлари харажатлари қисқаради.

Пластик карточкалардан фақат тўлов воситаси сифатида эмас, балки пенсия, суғурта, тиббиёт, транспорт ва бошқа хужжат маълумотлари сақланадиган универсал восита сифатида ҳам фойдаланиш ҳам мумкин. Бунда барча маълумотлар пластик карточканинг химояланган хотирасида сақланади ва фақат ваколатли шахс томонидан ўқилиши ёки ўзгартирилиши мумкин. Хар бир фуқаро тўлиқ ахборотга эга бўлган ягона хужжатга эга бўлади. Карточкалар шаҳарда нақд пул хажмини қисқартиради, бу ўз навбатида шу йўналишдаги жиноятчилик даражасини қисқартиради (ўғирланган пластик карточкалардан фойдаланиш имконияти деярли нолга тенг).

Пировард натижада иқтисодиётга келтирадиган нафи:

- пул маблағларининг айланиш тезлиги ошганлиги хисобига, дебитор-кредитор қарзлари миқдори пасаяди;
- банкларда нақд пул эмиссияси миқдори камаяди;
- пулни қалбакилаштиришга тўсқинлик қилади;
- аҳолининг бўш пул маблағлари банкда сақланади ва иқтисодиётнинг зарур тармоқларига йўналтириш орқали пул ресурслари тақсимланади.

Пластик карточканинг камчиликлари ва уларни бартараф этиш йўллари: бошланиш даврида нақд пул аҳамияти катта бўлган вақтда карточка эгаси карточкага ва унга хизмат кўрсатувчи шахобчаларига боғлиқ бўлиб қолади. Лекин, аҳоли ўртасида пластик карточкалардан фойдаланиш бўйича кўникмалар ҳосил қилингандан сўнг худди уяли алоқа воситалари сингари, пластик карточкалар ҳам тадбиркорлар ва оддий аҳолининг яқин ҳамкорига айланади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президент фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1995.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Инвестиция фаолияти тўғрисида”ги қонун, Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги қонуни Т.: “Ўзбекистон”2003.
6. Банк пластик карточкаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 19.04.2010 й.N ПҚ-1325
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.04.2010 й. ПҚ-1317-сон "Банк тизимининг молиявий барқарорлигини янада ошириш ва инвестициявий фаоллигини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори
8. Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 06.04.2009 й. ПҚ-1090-сон Қарори
9. Тижорат банкларининг инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтириладиган узок муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.07.2009 й. ПҚ-1166-сонли Қарори.

10. 2011-2015 йилларда республика молия–банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 26.10.2010 й. ПҚ-1438-сонли Қарори.

II. Президенти асарлари

1. Каримов И.А. Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маърузаси
2. И. Каримов Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Халқ сўзи, 22.01.2011 йил
3. И.А.Каримов Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш тараққиётимизнинг муҳим омилidir. Халқ сўзи. 07.12.2010 йил.
4. И.А.Каримов Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. Халқ сўзи, 12.11 2010й.
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг БМТ саммити мингйиллик ривожланиш мақсадларига бағишланган ялпи мажлисидаги нутқи. Халқ сўзи, 20.09.2010й

III. Соҳага оид меъёрий ҳужжатлар

1. «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент. 20.06.2005
2. «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент. 14.06.2005.
3. «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун

жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Тошкент. 15.06.2005.

4. «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Тошкент, 2005.

5. Фермер хўжаликларининг давлат эҳтиёжлари учун харид килинадиган Агро ва ғалла етиштириш харажатларини тижорат банклари томонидан кредитлаш тартиби тўғрисида Низом. 16.01.2004.

IV. Асосий адабиётлар

1. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Т.: “Молия”. 2003, 310 б.
2. Абдуллаева Ш.З. Банк иши. Т.: “Молия”. 2005, 510 б.
3. Алимов И.И., Хусанбоев А.Ғ. Тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан операциялари. Ўқув қўлланмаси. ТДИУ., 2006. 221б.
4. Лишанский М.Л., Маслова И. Краткосрочное кредитование сельскохозяйственных предприятий. Учебное пособие. Юнити. М.: 2000.
5. Мардонова А. Асосий ва айланма маблағлар аграр соҳа ишлаб чиқаришнинг бош омили. Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси. 2002. №7
6. Миляков Н.В. «Финансы». Учебник.-М.: ИНФРА-М, 2004.-543 с.
7. Рашидов О.Ю. ва бошқалар. Пул муомаласи, кредит ва молия. Ўқув қўлланмаси. ТДИУ. 2011. 310 б.
8. Фрост Стивен М. Настольная книга банковского аналитика: Пер. с англ. Руяд М. - М., Днепропетровськ: баланс бизнес букс, 2006. – 672 с.

V. Қўшимча адабиётлар

1. А. Бекмуродов, У. Ғафуров, Ш. Мустафакулов Ўзбекистон Республикаси И.А.Каримовнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидаги “Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини

юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади” мавзусидаги маърузасини ўрганиш бўйича Ўқув-услубий мажмуа. – Тошкент: Иқтисодиёт. - 2011. – 257 бет.

3. Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров. “Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фукаролик жамияти барпо этиш-устувор мақсадимиздир” маърузаларини ўрганиш бўйича ўқув услубий мажмуа. Т. Иқтисодиёт.2010

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. Тузувчилар: Б.Ю. ходиев, А.Ш.Бекмуродов, У.В.Ғофуров, Б.К.Тухлиев.-Т.: Иқтисодиёт. 2009, -120 б.

5. Балабанов А.И., Боровкова Вик. Банки и банковское дело: учебник. 2-е изд. –СПб.: Питер, 2008.-448с.

6. Балдин К.В., Уткин В.Б. Информационные системы в экономике: Учебник. – е изд. – М.: «Дашков – К^о», 2007.- 395 с.

7. Банки и небанковские кредитные организации и их операции: для юристов и экономистов / Под редакцией СВ. Симоновича. — СПб.: Питер, 2007. — 688 с.

8. Банки и небанковские кредитные организации и их операции: Учебник / Под ред. Е.Ф. Жукова. — М.: Вузовский учебник, 2005. — 491с.

9. Банковские информационные системы: Учебник / Под редакцией профессора В.В. Дика. М.: Маркет ДС, 2006. – 816 с.

10. Муллажонов Ф.М. «Ўзбекистон Республикаси банк тизими», Т.: Ўзбекистон. 2001.

11. Сборник задач по банковскому делу: Учеб пособие.Под ред.А.И.Валенцовой. –М.:Финансы и статистика, 2002.-624с.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

- 1.«Бозор, пул ва кредит// №1-12 2012. №1-3, 2013 йил.
- 2.Банк ахборотномаси, газетаси 2011 йил №1-52, 2012 йил №1-52, 2013 йил № 1-22.
- 3.Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари
- 4.Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳисоботлари
- 5.Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари йиллик ҳисоботлари

VII.Интернет сайтлари

1. www.travel-library.com www.thebanker.com
2. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/forex/index.htm>
3. <http://www.bankofengland.co.uk/markets/money/index.htm>
4. www.cbu.uz